

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ПОДСИГУРА

Қонуничлик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 12 (3436)

2002 йил 21 март, пайшанба

Сотувда эркин нархда.

НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!

Барча ички ишлар идоралари ходимлари-ни, Ички ва Қоровул кўшинларининг офицер ва хизматчиларини, сержант ва аскарларини, фахрийларимизни, хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларини азалий қадриятларимиздан бири бўлган Наврўзи олам билан самимий муборакбод этаман.

Янгиланиш, бахт ва гўзаллик тимсоли бўлмиш ушбу баҳор айёмида сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий

тотувлик, тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Эл-юрт осойишталиги, Ватан равнақи йўлида олиб бораётган машаққатли ва хайрли ишларингизда омад ёр бўлсин.

Эзгулик, покланиш ва янгиланиш айёми хонадонингизга файзу барака олиб келсин.

З. АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазири,

ички хизмат генерал-полковниги.

Бош муҳаррир минбари

ҚАЛБЛАРДА ЖЎШ УРАР ГЎЗАЛ ТҮЙҒУЛАР

Серкўёш ўлкамизда яна янгиланиш, яшариш, покланиш дамлари бошланди. Мамлакатимиз бўйлаб қалбларга қувонч ва шодликлар улашиб Наврўзи олам кезмоқда. Озод ва обод, кун сайин гуллаб-яшнаётган Ватанимиз узра байрам руҳи ҳукмрон.

Шу боис айнан Наврўз кунлари азалдан халқимизга хос бўлган одат – ёрдамга муҳтож кишилар ва оилаларни йўқлаб, меҳр-мурувват, ғам-хўрликлар кўрсатиш, уйлар, маҳаллалар, мамлакатимизни ободонлаштиришга интилишимиз тасодифий эмас.

Айнан шу дамларда деҳқонлар аждоқларимиз азалдан амалга ошириб келаётган юмушларни бажариб, бепоён далаларга уруғ қадашадди, қишлоқ хўжалиги экинлари экиб, яхши ниятлар қилишадди. Баҳорги тенгкунлик нишонланадиган пайтга келиб юзлаб янги объектларнинг ишга туширилиши ва бу билан дунёга Ўзбекистон тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил бораётгани намоиш этилиши ҳам яратувчилик даврининг ўзига хос белгисидир.

Бу борадаги ютуқларимизга шу йил февраль ойида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида айтиб ўтганларидек, нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши, жаҳон меъёрларига жавоб берадиган кенг турдаги маҳсулотлар тайёрланаётгани, рақобатбардош товарлар кўпаяётгани, балки ўзимизда ўзгаришлар рўй бераётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Ўзимизга боқар эканмиз Ватанимиз мустақиллиги йилларида ўзгарганимизни кўришимиз мумкин. Бизда ўз кучимизга нисбатан ишонч пайдо бўлди, ҳаётнинг барча томонларини аниқ-равшан кўра олишга, рўй бераётган ўзгаришларни чуқур англашга ўргандик.

Албатта, тикланаётган ва янгиланиб бораётган ҳақиқий ҳаётимизга қайтиш осон кечмаяпти. Ва бугунги кундалик турмушимизда баъзан ўтмишдан қолган ахлоқсиз мерос ҳам намоён бўлмоқда. Шу боис Президентимиз Ислон Каримов ҳозирги ҳаётимиз янада тўқис бўлишига эришиш, мамлакатимиз буюк келажакка пойдеворини яратиш учун ундан халос бўлишимиз муҳимлигини бир неча марта таъкидладилар.

Ҳаётимизнинг янгиланиши айёмида турмуш ҳақида мулоҳаза юритиш одат тусига кирган. Бу гал ҳам ана шу анъанага амал қилган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ҳамон мавжуд қийинчиликларга қарамай ҳаётимиз янги мазмун-моҳият билан бойимокда, ўз қобилиятимиз ва ички имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланишимиз учун кенг истиқболлар очиб бермоқда.

Наврўз арафасида жойларда ҳашар уюштирилгани ҳам давримизнинг яхшилиқдан дарак берувчи аломатидир. Ҳашар иштирокчилари билан суҳбатлашганимизда шундай дейишди:

– Ўлкамизга 21 март куни кириб келадиган баҳор айёми халқимизнинг энг сеvimли байрамларидан биридир. Шу боис у кенг нишонланади. Катта шодиёналар арафасида бўлажак тантаналарга пухта тайёргарлик кўрилади. Илдизи қадим замонларга бориб тақалувчи анъанага кўра Наврўзнинг асосий белгиларидан бири муҳтож одамларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашдир. Улуғ айём кунлари ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган инсонлар меҳр-мурувват, ғамхўрликлардан баҳраманд бўладилар.


Мустақиллик туфайли халқимиз бойлигига айланган Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Наврўз каби байрамларимиз ҳақида фикр юритганда уларнинг чуқур фалсафий маъносига тўхталмаслик мумкин эмас. Инсоний фазилатларимиз, қалбимиздаги энг олижаноб туйғулар ана шу улуғ айём кунлари намоён бўлади. Шодиёналар ўтаётган дамларда бирорта ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, етим ёки кекса киши эътибордан четда қолмайди. Буларнинг барчаси мустақиллик белгиси, инсон ҳаёти олий қадрият ҳисобланган ўзбекистонликларга хос жиҳатдир. Шундай қилиб, Наврўз, юртбошимиз Ислон Каримов бирда таъкидлаганларидек, ўз мазмун-моҳияти ва руҳияти билан халқимизнинг олиҳимматли, табиати гўзал эканлигини кўрсатади.

Наврўз руҳи халқимизнинг кундалик осойишта ҳаётида, бутун жаҳон халқлари билан тотувликда яшашга интилишида, олижаноб мақсадларни кўзлаши ва қўллаб-қувватлашида, ҳар қандай зўравонликни қоралаб, умуминсоний қадриятларни улуғлашида яққол намоён бўлади. Ана шундай фарахбахш дамларда онахонларимиз сумалак тайёрлашади, Аллоҳдан ризқ-барака, тинчлик ва хотиржамлик тилайдилар. Наврўз қалбларимизни кўёш каби илтиб, хонадонларимизга барака, хотиржамлик ато этувчи байрам сифатида нишонланишининг асосий боиси ҳам шундан.

Бугунги кунда биз кўтаринки руҳда тантана қилаётган байрам хусусида ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, янги мазмун билан бойитилган Наврўз ҳар биримиз куч-қувватимизни жамият ҳаёти янада янгиланиши, буюк келажакка эга бўлган давлат қурилишига сарфлаган ҳолда кундалик ҳаётимизда янги яхши фазилатларимизни намоён этишимизга ундамоқда.

Муқаддас заминимизда ўзбекистонликлар доимо яратувчилик меҳнати билан шуғулланиши ва бахтли ҳаёт кечирishiга имкон яратувчи тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурсин!

Байрамингиз кутлуг бўлсин, “Постда”, “На посту” газеталарининг азиз муштарийлари. Барчангизга бахт, омад қулиб боксин!



Мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам Наврўз байрамига қизгин тайёргарлик кўрилди.

Вилоят ички ишлар бошқармасида умумхалқ байрами – Наврўзи оламини шоду хуррамлик билан кутиб олиш тараддудида ҳашар ўтказилди. Шу куни бошқарма ҳовлисига турли манзарали ва мевали ниҳоллар ўтқазилди. Фавворалар ўрнатиш, дарахтларни оқлаш, атрофни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишда шахсий таркиб ва хизматчилар иштирок этишди. Ҳашардан тушган бир кунлик иш ҳақи “Экосан” жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди.

Шунингдек, Наврўз байрами арафасида Шаҳрисабз туманидаги “Кеш” жамоа ширкат хўжалигида янги қурилиб, фойдаланишга топширилган мўлжалланган милиция таянч пунктида сўнги таъмирлаш ишлари якунланди. Профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари учун алоҳида хоналар ажратилди. Хоналар янги мебеллар, алоқа воситалари билан таъминланди.

Тошкент вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ҳашарни кўтаринки руҳда ўтказишди.

Барча шаҳар, туман ИИБлари бинолари атрофида ободончилик ишлари олиб борилди. Ариқлар тозаланиб, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди. Дарахтларнинг ости юмшатилиб, уларга шакл берилди. Баҳорги юмушлар айниқса, туманлар ички ишлар бўлимларида уюшқоқлик билан бажарилди.

Вилоят ИИБ ходимлари шу куни 101-мактаб-интернатда ҳам ҳашар уюштиришди.



ҚУТЛУҒ АЙЁМ ОСОЙИШТА ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган тезкор йиғилишда умумхалқ байрами – Наврўз нишонланадиган жойларда айёмга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, шунингдек бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш, Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармалари, Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси, республика Қўриқлаш бирлашмаси бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар, Транспортдаги ИИБ бошлиқларининг хизмат бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар. Йиғилишни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев кириш сўзи билан очди.

Наврўз халқимизнинг қадимий байрами. Бу қутлуғ айёмни юртимизда яшаётган барча миллат ва-

киллари ҳамжиҳатлик ва шод-хуррамлик билан нишонлайди. Тантаналар, халқ сайиллари ўтадиган майдонлар, боғлар, томоша жойларида осойишталикни таъминлаш, турли хил тартиббузарлик ва хуқуқбузарликларнинг келиб чиқишининг олдини олиш учун ички ишлар идоралари ходимлари бир қатор амалий ва ташкилий ишларни белгилаб, қатъий режа асосида ҳаракат қилмоқдалар. Жойларда патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари фаолиятини янада кучайтириш учун бошқа хизматлардан кўшимча кучлар ажратилди.

ИИБ Патруль-пост хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги У. Нарзуллаев ана шулар ҳақида гапириб, айёмга тайёргарлик кўриш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш

бўйича амалга оширилган ишлар хусусида тўхталди. Нотикнинг сўзларига қараганда, шу йил 1 мартдан бошлаб байрам тадбирлари ўтаётганда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида қилинадиган ишлар юзасидан чора ва тадбирлар белгиланган, хизматга жалб этиладиган куч ва воситалар тақсироти ишлаб чиқилган. Барча ички ишлар идоралари қошида тезкор штаблар ва ишчи гуруҳларининг иш фаолияти ташкиллаштирилган. Мамлакат ҳудудида байрам арафасида жамоат тартибини сақлаш, паспорт тизимига оид тартиб-қоидаларни мустаҳкамлаш мақсадида “Тозалаш”, “Арсенал”, “Орият”, “Фуқаро”, “Спитамен” каби тадбирлар ўтказилмоқда.

Кун тартибдаги иккинчи масала – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда ички ишлар идораларида ислохотлар ўтказиш тўғрисидаги Қарорларининг бажарилиши юзасидан Бош бошқармалар, бошқарма ва бирлашмаларнинг бошлиқлари ахборот бериши. Нотиклар

жойларда ислохот талабларининг бажарилиши ҳақида гапириб, самарали натижа бераётганини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталиши.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашишда хизматлар родини янада ошириш ислохотларнинг асосий талабларидандир. Жойларда хуқуқбузарлик ва тартиббузарликларга йўл қўймаслик учун муайян ишлар олиб борилаётди. Натижалар ҳам чакки эмас. Бироқ, хизматлар фаолиятида бир қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда. Ҳамдўстлик давлатлари, хорижий мамлакатлардан келиб, амалдаги паспорт тизими қоидаларини қўпол равишда бузиб яшаётган, рўйхатдан ўтмай юрган шахсларни аниқлаш ва зарур чоралар кўриш, кенг жамоатчилик, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда ишлашда айрим профилактика инспекторлари эътиборсизликка йўл қўйишмоқда. Бу борада Андижон ва Самарқанд вилоятлари ИИБларида қатор камчиликлар мавжуд. Айрим маҳаллий

ҳокимликлар эса милиция таянч пунктлари учун бинолар ажратиш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлашни пайсалга солишяпти. Самарқанд, Фарғона вилоятларида патруль-пост хизмати бўлинмалари учун ажратилган биноларни таъмирлаш учун пул маблағлари ажратилмаган. Шунингдек, бўлинмалар транспорт воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланмаган. Сўзга чиққан нотиклар ана шулар ва бошқа камчиликларни тилга олиб, уларни бартараф этиш бўйича қимматли таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Мамлакатимизда футбол бўйича миллий чемпионат ўйинлари бошланди. Мусобақалар пайтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ички ишлар идоралари ходимларидан хушёрлик ҳамда сезгирликни талаб этади. Кун тартибдаги навбатдаги масала милиция ходимлари олдида турган ана шу вазифаларга бағишланди. Ўйингоҳларда осойишталикни сақлаш, қоидабузарлик ва хуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида мавсум давомида патруль-пост, йўл-патруль, ёнгин хавфсизлиги ва бошқа хизматларнинг ходимлари, шунингдек профилактика

инспекторлари, маҳалла посбонлари кенг жалб этилади.

Йиғилиш сўнггида республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев яқунловчи нутқ сўзлади ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, республикаимиздаги барқарорликни янада мустаҳкамлашда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталди. Жумладан, жойлардаги иншоотлар, байрам тадбирлари ўтказилаётган майдонларни муҳофаза қилиш ва кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадида раҳбар ходимлардан навбатчилик ташкил этилгани, байрам иштирокчиларини олиб юрадиган транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш учун йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларига қатъий топшириқлар берилганини айтиб ўтди. Шунингдек, йиғилганлар эътиборини халқнинг байрамона кайфиятини бузиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисалар, ёнгинларнинг олдини олиш ва содир бўлишига йўл қўймаслик учун тегишли хизмат ходимлари фаолиятини кучайтириш, маъсулиятини ошириш каби вазифаларга қаратди.

С. ШАМСИДИНОВ.

Миннатдорчилик мактуби

БАХТ-САОДАТ ЁР БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов номига республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси Ф. Собиров ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А. Баҳромовдан миннатдорчилик мактуби келди. Унда жумладан шундай дейилади:

“Хурматли Зокиржон Алматович! Муборак ҳаж зиёратига бориб келган зиёратчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш, транспорт қатновини ташкил қилишда кўрсатган ҳиммати ва хизматлари учун Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси, йўл-патруль, соқчилик хизмати, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари раҳбарияти ҳамда ходимларига ҳожилар ҳамда ўз номимиздан чуқур миннатдорчилик билдирамыз. Юртимиз тинчлиги, хонадонларимиз хотиржамлиги йўлида олиб бораётган олижаноб ишларингизга Аллоҳ мададор бўлсин. Сиз ва фидойилик кўрсатган ички ишлар ходимларининг оилаларига бахт-саодат, фаровонлик тилаб қоламиз”.

КАСБИЙ МАҲОРАТНИ ОШИРИШ

Хоразм вилояти ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар пайшанбаси касбий маҳоратни ошириш куни, деб белгиланди. Шунга кўра белгиланган вақтда зарур анжомлар билан йиғилдилар.

Тадбирда белгиланганидек, шу куни “Калашников” автомати ва “Макаров” тўппончасини қисмларга бўлиш, йиғиш ҳамда ушбу қуроллардан фойдаланиш, шунингдек, турникда тортилиш, тиббий тайёргарлик, тўсиқлар оша югуриш бўйича ҳам ўз тайёргарликларини синаб кўришди.

С.ШОДИЕВ.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ИИБ, вилоятлар ИИБлари тергов хизматларининг босқинчилик, уюшган жиноятчилик билан боғлиқ бўлган, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларни тергов қилиш бўлим, бўлинма, гуруҳларининг раҳбарлари ва терговчилари иштирок этдилар. Мажлисни Тергов Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги М. Усманов кириш сўзи билан очди.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармасида босқинчилик, уюшган жиноятчилик билан боғлиқ бўлган, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларни тергов қилувчи ходимлар билан бир кунлик мажлис бўлиб ўтди.

ЖҚ ва ТҚКББ уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги А. Ибрагимов жиноятларни очиш борасида тергов ва тезкор ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик, уюшган жиноий гуруҳларни фош қилишдаги тезкор хизматларнинг имкониятлари ҳақида тўхталди. ИИБ Ахборот маркази бошлиғи ўринбосари, милиция

подполковниги И. Усманов ҳозирги кунда тергов идоралари дуч келётган долзарб муаммолар ҳақида маъруза қилди.

Сўнг мунозара қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги С. Шиняев уюшган жиноятчиликни таг-томири билан йўқо-

тиш борасидаги вазифалар ҳақида гапириб ўтди. Шунингдек, вазирлик Тергов Бош бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги К. Уматкулов, шу бўлим терговчиси, милиция майори А. Қаршиев, Тошкент шаҳар ИИББ катта терговчиси, милиция майори Р. Жўраев, Наманган вилояти ИИБ ТБ катта терговчиси О. Раҳимовлар уюшган жиноий гуруҳларни фош қилиш бўйича илғор тажрибалар ҳақида гапириб иштирокчилар билан фикр алмашишди.

А. ДАНАЕВ,
милиция катта лейтенанти.

ХОТИРА ЁДГОРЛИГИ ОЧИЛДИ

Яқинда республика ИИБ Ички қўшинларига қарашли офицер В. Тожибоев сардорлик қилаётган жамоа ўзининг ташкил топган кунини нишонлади. Шу куни террорчиларга қарши жанговар ҳаракатларда мардларча ҳалок бўлганларга атаб бўлинма саф май-



дони ёнида бунёд этилган хотира ёдгорлигининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов бўлинма шахсий таркибини бу қутлуғ сана билан табриклади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг, ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси бошлиғининг хизматда ўрнатилган бир гуруҳ ҳарбийларни тақдирлаш тўғрисидаги буйруқлари ўқиб эшиттирилди. Марҳумларнинг оила аъзоларига совғалар ва моддий ёрдам пуллари топширилди.

Тантанали мажлис чоғида Хоразм, Фарғона вилоятлари ИИБ бошлиқларининг ўринбосарлари, қатор ҳарбий жамоалар вакиллари сўз олиб, жамоани ташкил топган куни билан муборакбод этиб, совға-саломлар топширдилар.

Тантананада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Б. Сидиқов, Ички қўшинлар кўмондони генерал-майор Ж. Фозилов, ИИБ Тошкент Олий ҳарбий техник билум юрти бошлиғи, генерал-майор Ш. Ниёзов ва бошқалар иштирок этишди.

Б.ТОШЕВ.

Харакат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ОММАВИЙЛАШИБ БОРЯПТИ

Сухбатдошимиз Хоразм вилояти ИИБ ЙХХБ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Аҳмаджон БЕКЧОНОВ.

— Аҳмаджон ака, республикамизда ўтаётган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ҳам ниҳоялаб бормоқда. Вилоят ҳудудида бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Ойликни юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида барча шаҳар ва туманларга масъул ходимларимизни сафарбар этдик. Жойларда қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан махсус режалар ишлаб чиқилди. Тадбирнинг би-

ринчи кунидеъ тарғибот гуруҳи ташкил этилиб, бунга ЙХХБ, мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, вилоят халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаларининг етакчи мутахассислари жалб қилинди. Улар барча зарур қўлланмалар билан жиҳозланган тарғибот автобусида шаҳар ва туманлар, аҳоли гавжум жойлар, бозорлар, автобекатларда тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Бундан ташқари корхоналар, автохўжаликлар, ўқув муассасалари, қишлоқ ва маҳаллаларда учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказилди. Пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида 81 та “Ёш автоинспектор” макетлари тайёрланди, автомобиллар серкатнов бўлган йўллар яқинига жойлашган мактаблар, болалар боғчалари, идора, ташкилот ҳамда бозорлар олдидаги пиёдалар ўтиш жойларига ўрнатилди. Бу тажрибамиз ижобий самара берапти.

Ҳайдовчилар ўртасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб боришимизга қарамай ҳамон нохуш ҳолатлар учрамоқда. Тадбир давомида 10 мингдан зиёд ҳайдовчи қоидабузарликлар содир этгани аниқланди. Шундан 201 нафар маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарган. Масалан, Урганч шаҳар, Паҳлавон Маҳмуд кўчасида истиқомат қилувчи Р. З. “Nexia” русумли, А. Ибрагимов кўчасида яшовчи Н. Д. эса “Tico” русумли автомобилани маст ҳолда ҳайдаб, ҳаракатланиш қоидаларининг оддий талабларига ҳам риоя қилмаганлар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— Хизмат юзасидан жойларда бўлганимизда

ҳаракат хавфсизлиги ойлиги кенг қамровли ўтаётганининг гувоҳи бўляимиз. Айтинг-чи, вилоятдаги қайси жамоалар тадбирда фаол иштирок этишмоқда?

— Тадбир юзлаб жонкуяр, фидойи инсонларнинг бизга яқиндан кўмаклашганлиги сабабли оммалашиб бормоқда. Ҳаракат хавфсизлиги ойлигида уюшқоқлик билан қатнашган вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ҳамда авто-мото-ҳаваскорлар жамиятининг ёрдами ниҳоятда катта бўлмоқда. Уларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Сухбатни Х. ЖАББОРОВ ёзиб олди.

ТАРҒИБОТНИ КУЧАЙТИРЯПМИЗ

Кенг қамровли тадбир жараёнида Навоий вилоятида пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиниши, уларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор берилди. Йўл-патруль хизмати ходимлари қоидабузар пиёдаларга нисбатан ўз вақтида таъсир чоралари қўллашди. Назорат қилиш жараёнида 1120 кишига нисбатан маъмурий чора кўрилди.

Ўтказилаётган тадбирнинг моҳиятини фуқароларга содда, аниқ қилиб тушунтириш мақсадида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини тарғиб қилишга доир мингдан зиёд эслатма ҳамда мурожаатномалар чоп этилди. Ҳар бир автокорхона, меҳнат жамоаси, болалар муассасаси, автошўхбекатларнинг кириш-чиқиш жойлари ҳамда автобуслар салонларига кўргазмалар лавҳалар осилди.

Корхона ва ташкилотларда, мактаблар ва мактабгача болалар муассасаларида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтириляпти. Ойликнинг 14 кунида давомида биргина мактаб ва мактабгача болалар муассасаларида 310 маротаба учрашувлар ўтказилди. Тадбирлар чоғида ҳаракат

қатнашчиларининг вазифи ва бурчлари батафсил тушунтириб берилди.

Тадбирларда милициянинг бошқа хизматлари ходимлари, маҳалла фаоллари, жамоатчи автономизирлар, ёш автоназоратчилар отрядлари ва бошқа жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар. Ёш автоназоратчилар отрядларининг 86 нафар аъзоси ходимларимизга кўмаклашиляпти.

Ҳаракат серкатнов чорраҳаларда, одамлар гавжум бекатларда тегишли белгилар, йўлчиқроқ, йўлчиқларининг мавжудлиги, уларнинг техник ҳолати текшириб чиқилди.

Ўтган йил 1 мартдан 15 мартга қадар 5 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, бунинг оқибатида 5 киши тан жа-

роҳати олган, бир киши вафот этган бўлса, жорий йилда ўтказилаётган ойликнинг ўн беш кунида давомида ЙТХ 2 тага, ундан тан жароҳати олганлар сони 3 тага камайишига эришилди.

Вилоят ЙПХ ходимлари республикамиз ҳудудида товар-моддий бойликларни ноқонуний тарзда олиб чиқишга уринаётганларнинг қилмишига ҳам чек қўяптилар. Шу йил 3 март кунини Қизилтепа туманида “М-412” ва “ВАЗ-2101” русумли машиналар тўхтатиб текширилди. Уларда 500 кг алюминий ва латун рангли металлларни қўшни мамлакатга олиб ўтмоқчи бўлган гиждувонлик икки “тадбиркор” қўлга тушди. Бирламчи ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли чора кўриш учун Навоий вилояти божхона бошқармасига топширилди.

11 март кунини Тошкент — Бухоро йўналиши бўйича ҳаракатланаётган “Nexia” автомашинаси “Самарқанд” ЙПХ масканида тўхтатилди. Текширув чоғида машина салонидagi йўловчи пастдаргомлик М. Ғ.нинг ён чўнтагидан 54,3 г марихуана гиёҳвонлик моддаси топилди.

В. АШУРОВ, милиция катта лейтенанти.

ЎРИНЛИ ТАШАББУС

Сирдарё вилояти ИИБ ЙХХБда бундан анча олдин бир янгилик жорий қилинди. Патруль йўналишлари учун карточкалар тайёрланиб, ходимларга тарқатилди.

Карточкада патруль гуруҳи аъзоси учун хизмат пайтида асқотадиган деярли барча маълумотлар бор. Йўналиш харитаси дейсизми, хизмат ўташ тартиби дейсизми. Кўйинг-чи, қурол ишлатиш қонун-қоидаларини касб одобномасига. Ходим ундан хизмат ҳудудидаги корхоналар, бозорлар, чорраҳалару кўприклар ҳақида маълумот олиши мумкин.

Буларнинг барчаси ходимга ҳар қандай мураккаб вазиятга тез, тўғри баҳо бериб, зудлик билан ҳаракат қилиш имконини берапти. Профилактика инспекторлари, корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик кучаяпти. Табиийки, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, воқеа жойидан яширинган ҳайдовчиларни топши ҳам осонлашяпти. Шу ўринда ЙПХ масканларида, блок-постларда машиналарни қайд этишнинг аҳамияти устида ҳам тўхталмиш керак. Кўпинча ҳайдовчилар, машина салонидagi

йўловчилар автотранспортни тўхтатган ЙПХ инспекторидан нолиб: “Ҳеч қандай қоидабузарлик бўлмодими-ку” дейишади.

ЙХХ ходимлари нафақат ҳаракат хавфсизлигига жавоб беришади. Улар ҳамма милиция ходимлари сингари осойишталик посбонларидир.

Ана шу сергаклик туфайли ўтган йил охирида ва шу йил бошларида Боёвут ҳамда Бахт шаҳрида йўловчиларни уриб кетиб, воқеа жойидан яширинган ҳайдовчилар бир-икки кун ичида аниқланди.

Қ. КАРИМОВ, милиция катта лейтенанти.

КўЧА ТАСОДИФЛАРГА ТўЛА...

Йўл ҳаракати қоидалари асосан пиёдалар томонидан кўпол равишда бузилаётгани боис турли хил кўнгилсизликлар келиб чиқмоқда. Андижон вилоятида йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 тага ортган, тан жароҳати олган фуқаролар сони эса 6 тага кўпайган. Энг ачинарлиси, болалар иштирокида содир бўлаётган қоидабузарликлар камаймаяпти. Айрим катталар, ота-оналар, фарзандларига йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш, уларни назорат қилиш ўрнига ўзлари масъулиятни унутишяпти. Масалан, Андижон шаҳрида яшайдиган Б. П. пиёдалар йўлакчаси бўла туриб, йўлнинг қатнов қисмидан юриб бораётганда уни “Damas” автомаши-

наси уриб юборди. Яна шу шаҳарнинг К. Яшин кўчасида С. Курбонов ва Ф. Боқижоновлар кўчанинг дуч келган еридан кесиб ўтаётганларида “Tico” русумли автомашина тагида қоладилар. Оғир тан жароҳати олган бу икки пиёда касалхонага ётқизилди. Ана шундай кўнгилсиз воқеалар бўлмаслиги учун вилоятнинг ҳамма жойларида йўл ҳаракати қоидалари кенг тарғиб қилинапти. Жойларда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Айниқса, ушбу йўл-йўриқларни болалар онгига чуқур сингдириш учун кўргазмалар тарғибот воситаларидан кенг фойдаланиляпти.

Б. АҲМАТОХУНОВ, милиция подполковниги.
Я. ИСМОИЛОВ, милиция майори.

ФАОЛЛИК КўРСАТИШМОҚДА

Янгийўл тумани “Тинчлик” жамоа ширкат хўжалигида яшовчи М. Каримбоевага тегишли “ГАЗ-31029” русумли автомашина номаълум кимсалар томонидан ўғирланди. Фуқаро бу ҳақда милицияга хабар берди. Тезда вилоятнинг барча ЙПХ масканларида тутиш тадбири эълон қилинди. Олиб борилган тезкор суриштирувлар, қидирув ишларидан сўнг автомашина топилиб, уни олиб қочган Н. исмли йигит қўлга олинди.

Зангиота тумани Қаҳрамон кўчасида эса икки номаълум шахс “МТЗ-80” русумли тракторни тўхтатишади. Озроқ юк бор эди, манзилга олиб борсангиз хизмат ҳақини яхши тўлаймиз, дейишади улар. Бироқ кимсаларнинг нияти бузуқлиги кейин маълум бўлади. Улар ҳайдовчининг қўл-оёғини боғлаб, тракторни олиб кетишади. Вилоят ИИБ ЙПХ бўлими ходимлари бу жиноятни ҳам тезда очишди.

Айни кунларда давом этаётган ҳаракат хавфсизлиги ойлигида кўплаб қоидабузарликлар, шунингдек ҳуқуқбузарликлар аниқланмоқда. Айрим фуқаролар лоқайдликка берилиб, кўнгилсиз воқеалар содир этилишига сабабчи бўлмоқдалар. Тадбирда фақат ЙПХ ходимлари ёки мутасаддилар эмас, барча фуқаролар фаол иштирок этишлари лозимлиги жойларда ўтказилаётган суҳбатлар ва учрашувларда алоҳида таъкидланмоқда.

А. ИЛЁСБОВ, милиция старшинаси.



ХАТЛАРДАН САТРАЛАР

Яқинда Шўрчи туманида янги милиция таянч пункти иш бошлади. Бинонинг очилиш маросимида вилоятдаги барча туманлар ИИБ бошлиқлари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди. Вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги И. Қалқонов, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ш. Норбоевалар сўзга чиқиб, бу ерда яратилган шароит, ўсмирлар учун ташкил этилган спорт тўғараклари ҳақида гапирдилар.

С. АБДУВОҲИДОВ.

Биримизнинг ўғлимиз ўн олти ёшга тўлганда фуқаролик паспорти олиш учун ўзимиз яшайдиган Ургут тумани ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлинмасига бордик. Барча ҳужжатлар тўғри бўлгач, олти кунда паспортни беришди. Яна бирда яқинларимизнинг паспортини янгилаб, рўйхатдан ўтказишимизга тўғри келди. Хуллас, ушбу хизмат ходимларига қандай масалада мурожаат этмайлик ўз вақтида ҳал этишга ҳаракат қилишяпти. Айниқса, кексаларни қўллаб-қувватлаб, яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ўз касбига сидқидилдан ёндошаётган бундай фидойи инсонлардан беҳад миннатдоримиз.

У. ОМИНОВ, 2-гурӯҳ ногирони.
Ф. ИСМОИЛОВ, меҳнат фахрийси.

Қариш тумани ИИБ навбатчилик қисмига фуқаро А. Бойматов мурожаат қилиб, кимдир 100 минг сўмлик мотор ва 50 минг сўм турадиган кабелни ўғирлаб кетганини маълум қилди. Бир ой ўтгач эса Т. Ражабов нархи 150 минг сўм бўлган ҳўжизини биров гўмдон қилганини айтди. Хўш, бир ойда икки фуқарони қақшатган кимлар? Жиноят-қидирув ходимлари олдида ана шу савол кўндаланг турарди. Олиб борилган суриштирувлар натижасида И. У ва Ж. Р. лар қўлга олинди.

С. АМИНОВА.

Тезкор тадбир

— Хизматга тайёрман, — деди Маҳмуд қаддини ғоз тутиб.

— Бу ташвишли хабар икки кун олдин келганди, — деди вазир ўринбосари, — юборган гуруҳимизни сезиб қолишдими, ҳарқалай ҳеч ким келмади. Лекин кўп ўтмай иккинчи хат пайдо бўлди.

Шундай деб у яна бир қоғозни Маҳмуднинг қўлига тутқазди. Унда дуч келган одамдан маслаҳат сўрайвермаслик, милицияни безовта қилмаслик, ақл билан иш кўриш, ахлат қутисига эмас, симёғочнинг остига тўрт юз минг сўм қўйиш, акс ҳолда оиласи ва қизининг тақдири жуда ёмон бўлиши таъкидланганди.

Маҳмуд қўл остидаги йигитлар, милиция капитанлари Султон Абдиев ва Марат Кидрячевларни олиб, йўлга чиқди. Гуруҳ аъзолари Қўнғирот тумани ИИБда тўхтаб, хат муаллифини қўлга тушириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишди.

ТОВЛАМАЧИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Корақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Самандар Полвонов хизмат сафаридан қайтган бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Маҳмуд Абдуллаевнинг ҳисоботини тинглаб бўлгач, навбатдаги топшириқ ҳақида сўз очди. Гап орасида унга бир энлик хат узатди. Хат Мўйноқ тумани, "Қизил жар" ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Тенизбой Соғиндиқов номига ёзилган бўлиб, унда маҳит орқасидаги ахлат қутисига уч юз минг сўм қўймаса, Нукусда ўқиётган қизининг тақдири аянчли тугаши ёзилганди.


Улар ярим тонна Мўйноққа келиб, пистирмага ўрнашиб олишди...

...Бешинчи кун осмонни қора булут қоплаб, ёмғир куйди. Йигитларнинг табиат инжиқликларини кўтариш, уни енгишга бардоши старли эди. Чатоқ томони, қаттиқроқ йўталиш ва сигарет/чекишнинг иложи йўқлиги. Ёмғир тиниб, гупиллаб қор ёға бошлади.

— Энди аниқ келади, — деди навбатдаги алоқада Маҳмуд. — Ҳамма нарса

оппоқ қор остида қолапти. Фақат озгина чидасак бўлди. Касал бўлишдан эса хавотирланманглар, ўзим даволайман.

Ниҳоят тонга яқин фирчиллаган оёқ товуши эшитилди. Вужудлар кўзга айланди. Шарпа шунча кунлик кузатувдан кейин бу атрофда ҳеч ким йўқлигига ишониб бамайлихотир симёғоч ёнига борди. Унинг остидаги қорларни супурдида, "хўрак"ка ташланди. Пулни олиб, орқасига



ўғирилди-ю қор уюми тагидан чиқиб келаётган одамларни кўриб қотиб қолди.

Тергов манфаатлари боис товламачининг исми-шарифини маълум қилмадик. У ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаган, Чимкентдаги муаллимлар тайёрлаш институтини тугатган, заҳирадаги катта лейтенант. Шахсий машинаси ва фирмаси бор. Шундай одамнинг жиноят кўчасига кирганлигини билиб, таажжубга тушсан.

— Энг муҳими, — деди Самандар Полвонов, — қишлоқда пайдо бўлган миш-мишлар, қўрқув ва ваҳимага чек қўйилди. Халқ милициянинг ишончли посбон эканлигига амин бўлди. Элнинг ана шу ишончи бизга берилган юқори баҳо.

— Милиция ходимларидан жуда миннатдормиз, — дейди мўйноқлик Тенизбой ва Олтиной. — Улар қизимизнинг хавфсизлигини ҳам сақлаб турдилар. Ҳамиша соғ бўлишсин, касбларидан камол топашсин.

Топшириқни аъло даражада бажарган Маҳмуд Абдуллаев, Султон Абдиев, Марат Кидрячев ва Мўйноқ тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Ботир Аташевлар вазирлик томонидан рағбатлантирилдилар.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

"01" ХАБАРЛАРИ

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...

Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги уйлардан бирида ёнғин содир бўлди. Текширув, суриштирувларда бу воқеа уй эгаси газ идораси ходимларининг назорат ўтказиб, ишлатишга яроқсиз деб топган ва тармоқдан узиб қўйган газ плитасига резина ичак улаб фойдаланиши оқибатида рўй бергани аниқланди. Уй соҳиби гўё газ идораси ходимларига аччиқ қилиб, ўзбошимчалик билан яроқсиз плитадан яна фойдаланмоқчи бўлган.

Шу ўринда бу кимга фойдаю, кимга зиён, деган фикр келади. Аввало ёнғин хавфсизлиги хизмати, электр, газ идора-

лари ходимларининг хонадонларни назорат қилиб туришлари, вақти-вақти билан текширув ўтказишларининг туб мо-

ҳиятини тушуниб етиш керак.

Кўрсатилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этмай, носоз газ печлари, мўрилар, электр асбобларини қаровсиз қолдириб, унинг хунук оқибатларидан кейин аттанг деб юрганларга нима дейиш мумкин?

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида туманда содир бўлган ёнғинларнинг аксарияти ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик оқибатида келиб чиққан.

Зотлик кўчаси 2-уйда электр пайвандлаш ишлари олиб борилаётганда зарур қоидаларга амал қилинмаган. Натижада ёнғин чиқиб, хонадон эгасига бир неча ўн минг сўмлик зарар етган.

Фузулий кўчасидаги 8-уйда ҳаммомни иситиш учун қурилган печдан нотўғри фойдаланиши сабабли ёнғин рўй берган.

Кирки тор кўчаси 10-уйда эса иситиш печининг носозлигини била туриб, ишлатилиши бахтсиз ҳодисага сабабчи бўлган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кейинги пайтда ёнғин

хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик оқибатида қаровсиз қолдирилган ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари кўнгилсиз воқеаларга олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам фуқаролардан тегишли идораларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, камчиликларни ўз вақтида бартараф этишларини сўраймиз. Болалар билан боғлиқ ёнғинлар содир этилишининг олдини олиш учун уларни қаровсиз қолдирмаслик мақсадга мувофиқдир.

Д. РОҲАТАЛИЕВ,
ички хизмат катта лейтенанти.

ЛОҚАЙДЛИКНИНГ ХУНУК ОҚИБАТЛАРИ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари, саъй-ҳаракатларига қарамай жойларда ҳамон ёнғинлар содир бўлиб турибди. Энг аянчлиси, йиллар давомида йиғилган мол-мулклар бир неча дақиқаларда кулга айланиб, одамлар бевақт ҳаётдан кўз юммоқда.

Ёнғинлар асосан газ ва электр ускуналарининг носозлиги ва улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, ёлғиз қолдирилган болаларнинг гугурт ўйнаши, оловдан эҳтиётсиз фойдаланиш натижасида содир бўляпти.

Зангиота тумани Хонобод фуқаролар йиғини "Гўзал" маҳалласи "Табасум" кўчаси 28-уйда яшовчи Б. Умаровнинг уйида ёнғин содир бўлиб, унинг томи ёнган.

Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғи Шоюнусов

кўчаси 3-уйда истиқомат қилувчи С. Умарбоевнинг хонадонидagi ёнғинда унинг шифти, томи ва жиҳозлари жиддий зарарланган.

Паркент тумани "Чанги" жамоа хўжалиги Ш. Юнусов кўчаси 11-уйда истиқомат қилувчи Д. Туроповнинг уйида электр симларнинг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлиб, молхона томи ёнган.

Янгийўл тумани Ортиқов жамоа хўжалиги Ойбек кўчаси 137-уйда истиқомат қилувчи Б. Мусаевнинг

уйида содир бўлган ёнғин печка мўрисининг носозлигидан келиб чиққан.

Олов тилсиз ёв экан, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг офатнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, фуқароларимизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари туфайли зое кетяпти.

Айрим фуқаролар, хонадон соҳиблари лоқайд бўлмасаларгина нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мумкин.

Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша хушёр бўлайлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилайлик.

Р. СУЛЕЙМАНОВА,
ички хизмат лейтенанти.

Ҳодиса

Айни пешин пайти шаҳар марказидаги кўп қаватли уйлардан бирининг иккинчи қаватидан бурқсиб тутун чиқа бошлади. Воқеа жойига етиб келган ўт ўчирувчилар зудлик билан ишга киришдилар.

— Уйнинг чиқинди ташланганидан қувурига олов тушган кўринади, — деди ўт ўчирувчилар сардори, ички хизмат катта лейтенанти Д. Ҳақимов.

ҚУВУРДАН ЧИҚҚАН ЁНҒИН

Катта босим остида сепилаётган сувдан оловнинг "ҳовури" бироз пасайгандек бўлди. Бироқ кўп ўтмай яна забтига олди. Ҳар қанча сув сепилмасин, қувурдаги чиқиндилар ёниб, тугамасди.

— Март ойининг ўзида иккинчи марта ёнғин чиқиши, — дейди куюниб уй кўмитасининг раиси Е. Сердюк. — Уйимизга "ОДОЛ" ширкати (раиси О. Қосимов) хизмат кўрсатади. Баъзан бир ойлаб чиқиндилар олиб кетилмайди. Мана, оқибати...

Масъулиятсизлик, бепарволик оқибатида иккинчи марта бош кўтарган ёнғин билан Яккасарой тумани ИИБ ЁХБ ўт ўчирувчилари — ички хизмат катта сержантлари Ҳ. Азизов, Ж. Ёқубов, ички хизмат сафлори Ж. Қуролов ва бошқалар аёвсиз курашиб, хавфнинг олдини олдилар.

Куппа-кундузи кўп қаватли уйнинг чиқинди қувурида ёнғин чиқиши, шунингдек, ана шу қувурлардаги чиқиндилар ҳафталаб олиб кетилмаслиги, бу жойлардаги антисанитария ҳолатига ҳеч ким эътибор бермаслиги тушунарсиз. Мутасаддилар камчиликларга нисбатан мурасисиз, ўз вазифаларига нисбатан масъулиятлироқ бўлганларида ўн икки кунда икки марта ёнғин содир бўлмаслиги аниқ эди...

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Паркент тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда:



Жавлон Манзулович НАЗИРБОВЕВ. 1978 йилда туғилган. Паркент шаҳри Мустақиллик кўчаси 5-уйда яшаган.



Муниса Авезовна РИЗАЕВА. 1980 йилда туғилган. Паркент тумани Хисорак қишлоғи Юксалиш кўчаси 12-уйда яшаган.



Мирвоҳид Тожибоевич ПИРНАЗАРОВ. 1976 йилда туғилган. Паркент тумани Хисорак қишлоғи Нурафшон кўчаси 25-уйда яшаган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Наманган шаҳар "Чорсу" бозори рўпарасидаги "Лаззат" чойхонаси олдида тўсатдан вафот этган Осий миллатига мансуб, ёши тахминан 65-70 ёшлардаги номаълум эркак кишининг шахси аниқланмоқда.

Белгилари: бўйи 170-175 см, бугдойранг, соч-соқоли ўсган, оқ оралаган, пешонаси кенг, қоши ёйсимон, юзи чўзиқроқ.

Алоҳида белгилари: қўли кафтининг устида бургут расми туширилган татуировка бор. Чап кўзига оқ тушган, иккала оёғининг панжалари йўқ.

Кийимлари: эғнига ҳаворанг плаш, қора костюм, кулранг жемпер, кулранг кўйлак, қора шим, оёғига қора ботинка кийган.

Номаълум шахсини таниган ёки билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

UCHINCHI «Посижа» gazetasi

gazetasining ilovasi

+ TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Миллий удумларимиз

Истеъдодли актриса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашеванинг номи сизларга яхши таниш. У ўзи меҳнат қилаётган Ўзбек Давлат Миллий Академик драма театри сахнасида талкин этган "Ёркиной" драмасидаги Ёркиной, "Сохибқирон"да Бибиҳоним, "Чимилдик"да янга, телевидение орқали намойиш этилган "Меҳробдан чаён" видеофильмида Нигоройим, "Кўнгил кўчалари"да ўқимишли келин Шарифа, "Жаҳон отин Увайсий"да Нодирабегим каби қатор роллари орқали мухлислар қалбидан чуқур жой олган. Наврўз айёми арафасида санъаткор билан суҳбатда бўлдик.

ради. Бугунги кунда театримиз сахнасида намойиш этилаётган, драматург Эркин Хушвақтов сахналаштирган "Чимилдик" ҳамда "Қаллиқ ўйин" спектакллари, Саида опа Раметованинг "Онанг ўргилсин, болам" деб номланган мусиқали театрлашган томошасида ўзбекона тўйларнинг миллий хусусиятлари, келин салом, қизлар мажлиси, алла ва бошқа одатлар ўзига хос тарзда очиб берилганки, томошабинни беихтиёр ўзига ром этади.

риб келгач, қайнона ижро этадиган термани бир эшитиб кўринг-а:

*Ўтирсин келин, ўтирсин,
уйни бердик,
Уйларни кўйиб*

*тўрни бердик,
Қозиқда боғланган
дулдулли бердик,
Қафасда сайраган
булбулли бердик.*

Келин ўтирмай, тик тураверади. Қайнона кўшиқни давом эттиради:

*Чап юзида чапараста хол,
ўтирсин,
Ўнг юзида олма-анор,
ўтирсин.*

*Бу дунёда Оллоҳ берган
суянчим,
Ҳаммадан ҳам бойим
болам, аллаё.
Онасининг овуңчоғи, аллаё,
Отасининг кўзmunчоғи,
аллаё.*

— Сиз билан Наврўз арафасида суҳбатлашяпмиз. Ушбу айём билан боғлиқ удумлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Бажонидил. Наврўз байрами бошланган кундан эътиборан одамлар барча хафагарчиликларни унутишга, гинахонликларга барҳам беришга ҳаракат

аҳиллик ҳиссини тарбиялаб келган. Чунки сумалак тайёрланадиган жойга барча дон олиб келади, биргаликда таом пиширади, бир қозонда тайёрланган овқатдан баҳам кўради. Сайил ўйин-кулгу, ҳазил-мутойиба билан ўтади.

*Дошқозонда сумалак,
Ковламаган армонда,
Бир-бирининг кўнглини,
Овламаган армонда.
Сумалакжон, сумалак
Сумалакжон, сумалак.*

Яқинда Тўти Юсупова, Рихис Иброҳимова, Зухра Ашурова, Маҳфуза Боботиллаева ва бошқа санъаткорлар билан бирга пойтахтимиздаги Санталат аянинг хонадонидида ташкил этилган сумалак сайлида иштирок этдик. Онахонларимиз турли хил кўкатларнинг хусусиятлари, улардан сомса тайёрлаш, нон ёпишни ўргатишди. Паркент тумани тоғларида ўсувчи мотор деган ўсимлик ҳақида кўп эшитган эдим. Шу кун илк бор мотор сомсадан татиб кўрдим. Бундан қарангки, баҳордаги "илик узди" пайтда кишига дармон бўлувчи бу ўсимликнинг куввати от гўштини ки билан тенг экан. Баҳор, Наврўзи олам нафақат қадимий анъаналари, балки ана шундай жиҳатлари билан ҳам қадрлидир. Бундан шеърларимиз тараннум этишга ҳаракат қилаяпман.

— "Самарқанд соғинчи", "Сени ташлаб кетолмайман", "Ҳажр" деб номланган учта шеърини тўпламингиз нашр этилган экан. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзосисиз...

— Тўғри. Роллар ижро этсам ҳам, шеър ёзсам ҳам, телевидениеда "Мунаввар тонг истаб" кўрсатувига муаллифлик қилсам ҳам ўзимдан қониқиш сезмаяпман. Яна нимадир қилишим керак, деган ўй тинчлик бермайди. Шу маънода "Қотил ким?" деб номланган пьеса ёздим. "Ишқ" асари устиди ишлаяпман. Умид қиламанки, у китобхонлар қўлига етиб боради.

— Муштарийларга қандай тилакларингиз бор?

— Доим соғ-саломат бўлишсин. Уларни ҳеч қачон баҳорий кайфият тарк этмаслигини истайман.

Суҳбатдаш С. ШОДИЕВ.

Суҳбатда: Раъно Ярашева.

БУ ДУНЁДА "ЁР-ЁР" ДЕК ЖОЗИБАЛИ ҚЎШИҚ ЙЎҚ...

— Раънохон, ижодингизни қузатган киши маълум даражада миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ўзига хос ёндошув борлигини сезиб олиши қийин эмас...

— Бувам, яъни онамнинг отаси "Райим ҳофиз" деган ном олган эканлар. У киши дилкаш, сўзга уста бўлиб, қайси жойда иштирок этсалар, ўша давра яшнаб кетган. Тўй-йиғинларда қўшиқ айтиб,

— Кейинги пайтда халқимизнинг деярли унутилаётган кўп қабил маросимлари, удумлари тикланди ва тикланаёпти. Сизнингча булар кўпроқ нималарда "бўй кўрсатмоқда"?

— Менимча, театр сахнаси, миллий руҳдаги фильмлар, театрлаштирилган томошалар, тўйлар, фольклор-этнография дасталар ижросидаги қўшиқларда ўз аксини топмоқда. Биз гўзал анъа-

— Оналар ҳаётида айниқса келин тушириш катта ўрин тутаяди, шундай эмасми?

— Тўғри айтдингиз. Она борки, ўғлим элихушли бўлиб вояга етсин, яхши гўшангаларга куёв бўлсин, хонадонимга одобли келин туширай, деб орзу қилади. Ана шу орзуси ушалган кун ҳаётида бир умр муҳрланиб қолади, десам янглишмайман. Бу борада азалдан



*Ҳеч ўтирмаса жонимизда
асраган,
Ўғлимизни бердик,
ўтирсин.*

Шундан кейин кўпни кўрган онахонларимиз келин саломни бошлашади: *Меҳмон келса хуш деган,
Меҳмонхона бўш деган,
Қайночасига салом.*

*Салом, салом, ёр-ёр,
Келин салом, ёр-ёр.
Сеп кийгани эринган,
Ўғил кўрдим, деб керилган,
Қайночасига салом.*

*Салом, салом, ёр-ёр,
Келин салом, ёр-ёр.*

Шуни айтиш зарурки, келин салом ҳар бир жойнинг урф-одати, анъаналаридан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин.

— Ўзини ўзбекман, деб ҳисоблаган аёл алла айтиши билиши лозим. Алланинг ҳам турлари кўп. Сиз қайси бирини тавсия этардингиз.

— Мана бунисини: *Алла айтай, жоним болам,
аллаё,
Бешиқда ётган ойим
болам, аллаё,*

дилар. Қизлар ва келинчалар Наврўз кунлари қошларига ўсма, кўзларига сурма қўйишади, аргимчоқ учишади. Даврада рақс билан айтиладиган ашулалар авжига чиқади: *Ўсма қўяди қизгина,
Сурма қўяди қизгина.
-Қани, қани?
-Ана, ана!
Яйраб юради қизгина,
Кувнаб-кулади, қизгина.*

Болалигимда Наврўз кунини хонадонимизда "қозон тўлди" маросими ўтказилгани ёдимда. Шу кунини барча идишлар бўш турмаслиги шарт эди. Масалан, қозонда овқат, челақда сув, идишларда ёғ, ун, дон-дунга тўла бўлишига эътибор берилган. Кексалар шундай қилинса хонадонда йил давомида тўкин-сочинлик ҳукм суради, дейишарди.

— Наврўз байрамини лаззатли ва тўйимли сумалаксиз тасаввур этиш қийин. Тўғрими?

— Нимасини айтасиз. Сумалак сайли кишиларда қадимдан бирдамлик,



"Чимилдик" фильмидан лавҳа.

кўпчиликнинг эътиборини қозонганлар. Шу маънода онам ҳам ҳақиқий хазина, дейиш мумкин. Қадимий қўшиқлар, лапар ва термаларнинг кўпини шу меҳрибон инсондан ўрганганман.

наларга бой халқимиз. Ўзлимиз, қадриятларимизни улугловчи куй, қўшиқ, лапар, яллалар серкўёш юртимизда яшаётган миллат ва элатларни жипслаштиради, Ватанимизга бўлган муҳаббатини янада ортти-

ҳукм суриб келаётган удумларга риоя этилиши хонадонга файз бағишлайди. Мен туғилиб ўсган Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида "Келин ўтирсин" деган маросим бор. Хонадонга келин ки-

Курбонбой Атажонов шоирлару бахшилар юрти – қадим Хоразмдан. У 1969 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилиб келади. Ҳозирда республика ИИБ ШТБИХ бўлим бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковниги.

Курбонбой ака адабиёт ихлосманди.

– Мумтоз шоирларимиздан Алишер Навоий, Бобур, ўзимизга замондош ижодкорлардан айниқса, Эркин Воҳидов, Пиримқул Қодиров асарларини завқ-шавқ билан мутолаа қиламан, – дедилар. Кейин қимтини кўшиб кўйдилар. – Ўзим ҳам убу нарса машқ қилиб тураман.

“Qalqon” журналининг ўтган йил 4-5-сонларида у кишининг машқларидан намуна чоп этган эдик. Куйида эса навбатдаги мақоласини эътиборингизга хавола қиламиз.



нур” 1850 йилда Англия қироличаси Викторияга тортиқ қилинди. Ҳозирда у қиролича Елизаветанинг тожини безаб турибди.

Қимматбаҳо тош француз қироли Людовик XIVнинг тожиге тақилган. Уни қироликнинг бошқа қимматбаҳо рамзлари билан бирга 1792 йилда Француз инқилоби пайтида ўғирлаб кетишади. Аммо ўғирлар бундай қимматбаҳо ва машҳур тошни сотишнинг иложини топа олмай, уни ташлаб кетишга мажбур бўлишади.

XVIII асрнинг сўнггида Наполеон олмосдан гаров сифатида фойдаланиб, эвазига ҳарбий юришлар учун зарур бўлган барча нарсани харид қилади. Олмосни Лувр музейи сотиб

бий хизматларини тақдирлаб совға қилади. Наполеон III бу қимматбаҳо тошни Потёмкиннинг ворияларидан қизи Евгенияга тўёна ҳада қилиш учун сотиб олади. Император тахтдан ағдарилгач, олмос гэввор Бародага 150.000 рупийга (11.000 фунтга) сотилади. 1874 йилда гэввор ҳокимиятдан четлатилгач, тош исиз йўқолади. Кейинроқ у Бомбейда хусусий коллекцияда пайдо бўлди, деган мишмишлар тарқалишига қарамай жавоҳирнинг асл қадами ҳозиргача номаълум.

сотган. Капитан ўз навбатида олмосни Лондонда жуҳуд савдогарга 12000 фунтга пуллаган.

Бу тафсилотлар ҳақиқатга қанчалик яқинлиги номаълум. Аниги, уни 1773 йилда арман савдогари Лазаревдан князь Григорий Орлов сотиб олиб, Екатерина II га тортиқ қилган. Айтишларича, князь тош учун 90.000 фунт нақд пул ва 4000 фунт рента тўлаган экан.

“Орлов” олмоси кумуш қобиққа жойланиб, Россия ҳукмдорларининг шоҳона ҳассаси тепасига ўрнатилган. Ҳозирда у Москвадаги Олмос фондида сақланади.

“ШОҲ АКБАР”

Бу тош бобурийлар сулоласига мансуб Шоҳ Акбарга тегишли бўлган ва унинг шарафига шундай аталган. Унинг вориши Шоҳ Жаҳон олмоснинг икки

қиррасига араб ёзувида “Шоҳ Акбар, дунё шоҳи, 1028” ва “Икки дунё ҳукмдори Шоҳ Жаҳонга, 1039” деб ўйдирган. Эҳтимол, Эрон шоҳи Нодиршоҳ Ҳиндистонга юриш қилганда бошқа бойликларга кўшиб бу тошни ҳам олиб

кетган бўлса керак. Шу билан олмоснинг тақдири юз йилдан ошиқроқ номаълумлигича қолади. Ниҳоят XIX асрнинг ўрталарида унинг дараги Туркиядан чиқади. Номи бошқача бўлса ҳам, қирраларида қолган ёзув изидан у “Шоҳ Акбар” олмоси эканлигини аниқлашди.

ДУНЁНИНГ ЭНГ ЙИРИК ОЛМОСЛАРИ

Вазни 100 каратдан ошадиган, серқирра олмослар дунёда санокли. Бу қимматбаҳо тошлар ҳаммаша буюк кудрат ва сон-саноксиз кулфатлар манбаи бўлиб келган. Қизиги шундаки, улар кўпинча кучсиз мамлакатлар ҳукмдорлари қўлига ҳам тушиб қолган. Натижада олмосларнинг соҳиби бўлишга интилган кўшни давлатлар истилочилик юришлари қилишган. Дарё-дарё қонлар тўкилган.

Дастлаб Ҳиндистон ўз олмослари билан машҳур эди. Бразилиядан ҳам анча мунча олмос қазиб олинган. Фақат улар орасида йириклари кам бўлган. Аммо бу борада ҳеч бир мамлакат Жанубий Африка Республикаси олдида туша олмас керак. Бу ерда шунчалик кўп олмос тошлар топилганки, ҳатто уларнинг кичикроқларига

ном қўйиш имкони бўлмаган.

Куйида жаҳонга машҳур айрим олмослар ҳақида маълумотлар берамиз.

“КЎҲИ НУР”


Жанубий Ҳиндистонда Гвалиор рожаси Хумоюнга ҳада қилган бу тош то Ҳиндистонни Эрон шоҳи Нодиршоҳ истило қилгунча бобурийлар қўлида бўлди. У кўплаб қимматбаҳо буюмлар қатори “Кўҳи нур”ни ҳам Исфажонга олиб кетди.

1747 йилда Нодиршоҳ ўлдирилиб, у барпо этган империя емирилгач, тошни афғон Аҳмад Абдал Қандаҳорга олиб кетди. Олмос ундан ўғли Темурга, сўнг Замон Мирзо қўлига ўтди. Кейинроқ у қўлдан-қўлга ўтиб яна Ҳиндистонга бориб қолди.

Ҳиндистонни инглизлар истило қилгач “Кўҳи

ПИТТ ЁКИ РЕГЕНТ ОЛМОСИ

Ҳар икки номда ҳам юритилган бу олмос 1701 йилда топилган. Дастлаб у 410 карат бўлган. Форс савдогари тошни қўлга киритгач, губернатор Вильям Питтга 20400 фунтга сотган. Англияга қайтгач Питт тошга ишлов бердириб, мукамал жавоҳир ҳолига келтирган. Энди унинг вазни 140,5 карат келар эди. Икки йил мобайнида тарошланиш чоғида майдаланган олмос парчаларини у 7000 фунтдан ортиқча пуллаган. Пит олмосимни ўғирлатиб қўймай, деб доимо қўрқув ичида яшаган. Ниҳоят тарошланиб ҳақиқий жавоҳир ҳолига келган тошни 1717 йилда герцог Орлеанскийга 3.750.000 франкка (яъни 135000 фунтга) сотиб қутулган.



олади. 1940 йилда Парижни фашистлар эгаллаши олдидан тошни Шамбор қалъасидаги мрамор камин орқасига бекитишади. Ҳозирда олмос яна Лувр музейига қайтарилган. 30x29x19мм ҳажмдаги бу тош ўзининг бетакрор жилолари билан ҳар қандай кишини ҳам мафтун қилади.

“ЕВГЕНИЯ”

Бу ажойиб жавоҳир тош аслида Екатерина II га тегишли эди. Император хоним уни Потёмкинга ҳар-

“ОРЛОВ” ОЛМОСИ

Уни “Амстердам”, “Лазарев” деб ҳам аташган. Дастлаб 300 карат бўлган. Шоҳ Жаҳоннинг буюртмасига кўра ҳинд атиргули шаклига келтирилганида 199,6 каратга камайган. Бундан Шоҳ Жаҳон анча ранжиган.



Кейинроқ уни ҳинд ибодатхонасига ҳада этишган дейишади. Олмосе Брахма ҳайкалининг кўзига жойлаштирилган. Уни роҳибнинг ишончини қозониб, ибодатхонага қоровуллик қилган француз аскарари ўғирлаган. Аскар тошни инглиз кемаси капитанига 2000 фунтга

Одамлар, одатлар

НАВРЎЗ ҚАЕРДА ҚАНДАЙ НИШОНЛАНАДИ?

● Хоразмда баҳор байрами дастурхонига “наврўз гўжа” қўйиш удуми бор. Ушбу таомнинг масаллиғи етти хил дон: жўхори, бугдой, арпа, тарик, гуруч, ловия ва мошдан иборат бўлади.

● Қоракўл тумани қишлоқларида Наврўзга атаб махсус ўрик шарбати тайёрланади.

● Шофирқонда зағизгон инида тухум қўйишига қараб янги йил кирганлиги аниқланади.

● Қашқадарёликлар одатига кўра, ёмғир ёғиб ёки бошқа сабабдан Наврўз кирган кун тантана қилинмаса “куни бекор” деб аталиб, эртасига байрам қилинади.

● Водилликлар Наврўзни “наврўз гули” сиз нишонлашмайди. Бу гулни териб келиш учун ёш-яланглар тоққа чиқадилар.

● Самарқанд шаҳрида Наврўз “Регистон” майдонида ўтказилиб, асосан тантанали байрам маросими ва катта театрлаштирилган томошадан ташкил топади.

● Шаҳрисабзда одатда байрам куни Фирдавсий, Беруний, Умар Ҳайём, Навоий, Завқий каби улуг алломаларнинг сиймоларида чиқишиб, театрлашган сахналар ижро этадилар, шунингдек, уларнинг Наврўз ҳақидаги фикрлари, минсраларидан

фойдаланган ҳолда лирик дастур намойиш этилади.

● Форишда Наврўз табиат қўйнида нишонланади. Одамлар эрталабдан тоғ ёнбағрига – байрам ўтказилади-ган жойга йўл оладилар.

● Ургут Наврўзида томошалар, мусобақалар ўтказилади. Ҳали куёш кўкка бўй чўзишга улгурмасдан минглаб кишилар Аллаёрон тоғи томон йўл оладилар. Тоғ ёнбағри байрам нашидасию, шодон кулгуларга тўлади. Ургутликлар бу ерни “Тўпхона” деб атайдилар.

● Тошкентда ҳам республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари каби Наврўз арафасида ҳовли-боғлар тартибга келтирилади, кўчалар, майдонлар тозаланади. Шу куни одамлар отаонаси, яқинларини йўқлашади. Байрам дастурхонига турли кўкатлардан тайёрланган таомлар тортилади.



БИЛМАГАННИ СЎРАБ БИЛИНГ

Наврўз байрамнинг мадҳияси ҳам бўлган, дейишади. Шу гап ростми?

С. АМИНОВА,
шифокор.

Манбаларда ёзилишича, қадимда Ўрта Осиёда Наврўзни байрам қилишнинг мумтоз намунаси Хўжанд шаҳрига яқин Сирдарё соҳилларида ўтган. Бу жой гоётда баҳаво, лола ва чечаклар очилган адир ёнбағирлари бўлган. Сайилгоҳга буюғи Тошкентдан, уёғи Фарғона водийсидан ва Самарқанд томонлардан меҳмонлар келиб, дарё бўйлаб куёш томон юриб, баҳорни қутлаганлар. Дорбозлик, қўғирчоқбозлик, аскиябозлик, қизиқчиликлар авжига чиққан. Чор атрофга ялла ва куй садолари таралган. “Дилдор”, “Ушшоқ”, “Шашмақом” куйлари ижро этилган. Ҳатто Наврўз байрамнинг мадҳияси ҳам бўлиб, бу “Наврўзи аҷам” деб аталган ва бизгача етиб келган.

Сумалак тайёрлашда ишлатиладиган “бугдой” сўзи бошқа халқларда қандай аталишини билмоқчи эдим...

Р. РАҲМОНОВ,
Тошкент тумани,
“Гулмена” маҳалласи.

Ушбу саволга жавобни Б. Бафоевнинг “Кўҳна сўзлар тарихи” китобидан топдик. Унда ёзилишича, бугдой қирғиз тилида бугдай, туркман тилида бугдай, қорақалпоқ тилида бийдай, турк тилида бугдой, озарбайжон тилида бугда, уйғур тилида бугдай, татар тилида бодай, мўғул тилида улаан бугдай деб юритилади.

Ҳар йили баҳор келганда хонадонимизда ипак курти боқилади. Аммо пиллачилик тарихидан беҳабармиз. Шу ҳақда маълумот берсангизлар.

Б. СОАТОВ,
меҳнат фахрийси.

Маълумотларга қараганда, пиллачилик дастлаб Хитойда вужудга келган. Ўзбекистонда ҳам ибтидоий ҳолда қадимдан мавжуд бўлган. 1913 йил Ўрта Осиёда тайёрланган 5 минг тонна пилладан 4,8 минг тоннаси Италия ва Францияга юборилган. Қолган 200 тоннадан ярми кустар ҳолда, яъни қозонларда қайнатиб, қўл чархларида калава қилиб, бор-йўғи 17 тонна ипак тайёрланган. 1921 йили Ўзбекистонда 56 қозонли механик станок ўрнатилган биринчи пиллакашлик фабрикаси қурилиб, ишга туширилди.

“Атиргул” деб номланган салқин ичимлик бор экан. Қандай ажойиб. Уни уй шароитида тайёрлаш мумкинми?

С. ОЧИЛОВА,
Тўймен шаҳрида
яшовчи уй бекаси.

Албатта мумкин. Мутахассисларнинг маслаҳатига кўра, бунинг учун 10 г. чойли шарбат, 50 г. апельсин суви, 50 г. узум ёки олма шарбатини коктейл қориштиригичда 30 сония давомда қориштириб, стаканга қуйиб ва устига 40 г. мевали музқаймоқ солинади.

С. ШОДИЕВ тайёрлади.

БАЙРАМ КРИПТОГРАММАСИ

Матнда арабча рақамлар билан яширилган ўн битта очкич сўзларни тўғри топиб, сўнгра уларнинг ҳарфларини шакл хоналаридаги тегишли рақамлар ёнига ёзиб чиқсангиз, криптограммада Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибийнинг бир ғазалидан икки мисрасини ўқийсиз.

ОЧКИЧ СЎЗЛАР:

I. "Ҳар новда оқ, пушти чечаклар тақиб, Ҳар кўнгул уларга завқ билан боқиб, Бахмал кўйлақларла 1,10,1,3,7,15 бошланди" (Ҳамид Олимжон).

II. "Ҳар 21,7,16,3 нинг ўз хислати бор" (Уйғун).

III. "6,7,8,9,10,11" – Шоир Усмон Жонгитов шеърлар тўпламининг номи.

IV. "Далаларга бахш этиб чирой, Яна келдинг, сеvimли 13,7,12,9,7,15" (Хайриддин Салоҳ).

V. 3,14,3,7 – Баҳор гули.

VI. 15,7,9,20 – Наврўз байрами нишонланадиган ой.

VII. "Раққосалар кўнгли доим 13,7,18,14,9 бўлар, Қарсақлару қувончингиз баҳо бўлар" (Пўлат Мўмин).


VIII. 4,14,9,13,14,11,3,5,1 – Икки ярим минг йил муқаддам Шарқда пайдо бўлиб, кейинчалик бутун дунёга тарқалган қадимий санъат.

IX. 14,19 – Палов.

X. 16,2,4,7,6,7 – Хушбўй уруғи нон бетига сепиладиган ўсимлик.

XI. 7,16,1,5,17 – Ўзбек халқ ижодининг бир тури.

Тузувчи
Х. АБДУЛЛАЕВ.



Эрталаб нонушта чоғи тез эрийдиган, хушбўй "Нескафе" қаҳвасини тайёрлаётганингизда ёки "Магги" кўшиб тезпишар шўрва қайнатаётганингизда уларни ким ихтиро қилгани ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Куйидаги ҳикоямиз ана шу ҳақида.

Генри Нестле 1814 йил 10 августда туғилди. У доришуносликка ўқиди, янги-янги дори-дармонлар кашф этиб, одамларни оғриқлару хасталиклардан халос қилиш орзусида яшади. Генри эллик ёшга тўлганда Клементина исмли қизга уйланди. Энди қандай қилиб оиласини моддий жиҳатдан таъминлаш ҳақида ўйлашга тўғри келди. Қарз олиб суяк майдалайдиган ва ўсимлик ёғи тайёрлайдиган машиналар харид қилди. Иши юришиб кетди. Ҳатто бутун бошли фабрикани сотиб олди. Қараса, қўл остида ишлайдиган аёлларнинг болалари кўкрак (она) сутти етишмаслиги туфайли нобуд бўлишарди. У она сутти ўрнини босадиган суяқлик ўйлаб топиш устида излана бошлади. Ун, шакар ва сугир суттини аралаштириб, қуритиб тажриба ўтказишга киришди. Ниҳоят, 1876 йилда кукун тайёр бўлди. Ишчи аёллардан бири уни икки ойлик чақалоғида синаб кўришга ўз ихтиёри билан кўнди. Озиб, кучсизланиб бораётган бола-


МАГГИ ВА НЕСТЛЕ

га ҳеч нарса ёрдам бермаётган эди. Генри кашф этган кукунни сувда эритиб ичиришгач, мўъжиза юз берди – тезда шоколад пайдо бўлди. Шундай қилиб, Европада XX аср бошларида эмицикли болаларни асраб қолиш муаммоси ҳал бўлди. Юлиус Магги 1846 йил 9 октябрда туғилди. Қишлоқда фамилия кўйиш одати бўлмагани учун унга ота-онаси туғилган жойининг номини фамилия қилиб беришди. 24 ёшли Юлиусга отасидан тегирмон мерос бўлиб қолди. У кўзи тушган ҳамма нарсани тегирмонда тортиб, ун қилишга ишқибоз эди. Юлиуснинг дастидан ловия ҳам, жавдар ҳам, саримсоқ пиёз ҳам, ҳатто сабзавот маҳсулотлари ҳам қолмасди. У тандирда қуритилган сабзавотлар тўйимлилик хусусиятини йўқотмаслигини аниқлади. Қатор тажрибалар ўтказгач, йиғитча сабзавот унини яратди. Синаш учун унга қайноқ сув қўшган эди, бип-бинойидай шўрва тайёр бўлди. Қирқ ёшга тўлганида Юлиус дастлабки миллион АҚШ долларини қўлга қуритиб, ўз маҳсулотлари билан Европани забт эта бошлади. У даромадининг катта қисмини рекламага

фулланишни васият қилди. Улар оталари шаънига доғ туширишмади. XX аср бошларидаёқ Англия, Испания ва Германияда қуёлтирилган сут ҳамда сарфлаб, бунга энг машхур санъаткорлар, спортчилар ва шоирларни жалб қилди. Мультимиллионер бўлгач, ҳақиқатан дуч келган нарсани – шивиту

мурчгача қуритишга киришди. Тез орада ... гўштга навбат келди. Юлиус гўштга ишлов бериб кубикка айлантирди. Энди унга Швейцария торлик қилди. Магги Францияга кўчиб ўтиб, бу мамлакатни ҳам "эгаллашга" киришди. Биринчи жаҳон уруши бошлангач, унинг маҳсулотларига эҳтиёж ошиб кетди. Аскарлар Магги ҳақида кўшиқ ҳам тўқишган эди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида эса Маггининг меросхўрлари Нестле авлоди билан танишиб, ҳамкорликда тез эрувчан қаҳвани яратишди. Бу кукуннинг таркибини машхур швейцариялик кимёгар Макс Моргеншталер кашф қилди. У армиянинг буюртмасига кўра кукунни ўйлаб топди. 1943 йилга келиб тез эрувчан қаҳва ишлаб чиқиш мисли кўрилмаган натижага эришди – шу йили бир миллион қути маҳсулот тайёрланди. 1947 йилда эса икки авлод бирлашиб, ўз соҳалари бўйича қарийб бутун дунёда монополия ўрнатилди.

Б. КЛЕЙМАН тайёрлади.



А. ҲАКИМОВ чизган расм. Боҳорги интервью.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СониДА ЧОП ЭТИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Эътирозсиз. 4. "Ҳандалак". 9. Бадал. 12. Октябр. 13. Икки. 14. Образ. 15. Игнабарг. 17. Нобол. 19. Тасвир. 21. Абсент. 22. Емак. 24. Буфетчи. 25. Аргон. 26. Қари. 28. Яловбардор. 31. Куёш. 32. Инглиз. 33. Шавла. 34. Ланж. 37. Мабодо. 38. Шерзод. 39. Чопқи. 45. Мардикор. 46. Сите. 48. Асли. 50. Йодли. 51. Азим. 52. Пона. 53. Гард. 55. Орзу. 56. Қора. 58. Дори. 59. Бақирик. 61. Ҳикоя. 63. Саба. 65. Аҳил. 67. "Икарус". 68. Авизо. 69. Рангли. 70. Сертификат.

БҮЙИГА: 2. Табиб. 3. Зилол. 5. Дабдаба. 6. Кимёгарлик. 7. Яшинқайтаргич. 8. Фоз. 10. Дисплей. 11. Ортопедия. 15. Ипак. 16. Ялангоёқ. 18. Итоат. 20. Съезд. 23. Аммо. 27. Шошқалоқ. 29. Рентабеллик. 30. Раис. 33. Шуаро. 35. Жаз. 36. Радиостанция. 39. Чора. 40. Қадимги. 41. Ирода. 42. Йиғи. 43. Қорақуя. 44. Бетоб. 45. Май. 47. Қиёқул. 49. Сафо. 54. Дақиқа. 55. Обрўсиз. 57. Аризачи. 58. Дастёр. 59. Бас. 60. Қасос. 62. Осуда. 64. Баён. 66. Икир.

ЎТГАН СониДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Азнаури. Ермак. Гир. Иол. Мокко. Ихчам. Дан. Мтвара. халқум. Найссаар. Ерса. Аден. Оха. Қофия. Зада. Алеко. Каср. Олдин. Тобрук. Иовин. Жусса. Сотқин. Умба. Артикул. Сега. Курейка. Опи. Пай. Ёмон. Ленто. Регата. Тика. Спа. Зарар. Уламо. Канора. Ниоро. Ана. Вуд. Киви. Ахир. Нуаре. Тобор. Олда. Ионна. Ота. Залзу. Икс. Иена. Индат. Орк. **БҮЙИГА:** Қатлам. Ўзаксиз. Қазо. Феб. Тумор. Винье. Ўқчи. Раи. Ани. Яку. Кантри. Таза. Чегирма. Аксу. Ода. Оловкор. Бали. Омоч. Нефрит. Эн. Ажан. Оксил. Ардуд. Ким. Зивие. Евлах. Асва. Индин. Ионит. Зулим. Дон. Мард. Марал. Псов. Досо. Ахмета. Дамка. Арат. Вро. Буйрак. Арк. Рикша. Ханжар. Аён. Реал. Енг. Годар. Евсей. Айова. Сак. Кит. Рур. Бронза. Окара. Агаде.




1


Word search grid containing various words and phrases. The grid is 20 columns wide and 20 rows high. Words are placed horizontally, vertically, and diagonally. Some words are highlighted with arrows pointing to their starting positions. The words include:

- Ёрдамчи, Айрилиқ, Диний, Шашти паст, Бўсаға, Рад, Нон, Абдулла Каҳҳор
- Хабарнома, Вафот, Ранг, Россиялик актёр, Кўрса-тиш оллоши, Фантомас фильми-даги комиссар, Узулик улчови
- Рўзгор буюми, Сinema, Шимол "чироғи", Почта, телефон, телеграф, Елвориб сураш, Хат, Зам-барак уқи, Камар
- Туманлардан бири, Пул (жарг.), Ухшаш, Эртадан кейин
- Бола-нинг боласи, Сарой эгаси, Иссиқ, Муължал, Езув коидаси, Совға, Байрамдан бир кун олдин, Санъаткор рекламаси, Чўнтақ, "Лампа шиша" (лақаб б/ф дан), Ақла-законатли, Индира ...
- Бўшанг, Ташки (акси), Тез, Ифлос, Терми-зий, Катта "сингил"
- Даҳшат, Денгиз-чилар шарки, Илам, Синоним-нинг тескариси, Уйингоҳ, Уят
- Энг нозик тизим, Иштиёр, Рин импера-тори, Афсона-вий маҳлуқ, Соф-оғирлик
- Елгондан эмас, ... гўша, Кўшлин тури, Тутқин, Йук-нинг акси, Негр
- Аранг, Худди, Хавфли касаллик, Таъма-гирлик, Сур, Башара, Хайёи, Мева
- Нок (шева), "Уч денгиз ... сабҳат", Одам ... Момо Хаво, Денгиз бўриси, Юнгли фил, Сабот, Товар партияси
- Цитрус мева, Мухр, Тарози, Хажм улчови, Мухаб-бат, Спорт кийими
- Май, шароб, Куёш, АКШ "виллояти", Пассив-нинг акси, Германиядаги дарё
- Мохир, Санъат даргоҳи, Узага, Брюс ..., Кутарма ..., Арака ирмоғи, Россия теле-каналы
- Олин, "Х"нинг "Х" дан фарқи, Билим, Хаёт
- Бўтка, Иштиҳон

2



Ikkita bir xil bolani toping



O'n ikkita farqni toping



ДАВРАМИЗ ФАЙЗИСИЗ, ФАХРИЙЛАР!

Тошкент вилояти ички ишлар идораларида кўп йиллар самарали хизмат қилиб, айна кунларда нафақага чиққан беш мингдан ортиқ фахрийларнинг асосий қисмини эллик ёшдан олтимиш ёшгача бўлган, ёш милиция ходимларига кўмак беришга, жамоат ишларида иштирок этишга куч-қуввати етарли кишилар ташкил этади. Уларнинг бой тажрибаси, маҳоратидан фойдаланиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашга жалб этиш фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказларининг асосий вазифаларидан биридир. Бу борада олиб борилаётган ишларда қатор ижобий натижаларга эришилмоқда.

Яқинда Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги клубида ўтказилган фахрийлар иштирокидаги йиғилишда вилоят ИИБ фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция полковниги Муҳиддин Иноғомов ана шу ҳақда батафсил гапирди.

Шунингдек, маърузачи фахрийларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасидаги ишларга кенг тўхталди.

Тошкент тумани ИИБ фахрийлар кенгаши раиси А. Даминов Қарияларни қадрлаш йилида пенсионерларга яратилаётган шароитлар, уларнинг иш тажрибаси, билими, маҳоратларидан фойдала-

нишдаги самаралар ҳақида гапирди.

Боқувчисини йўқотган, ёлғиз, иккинчи шахс ёрдамига муҳтож, ногирон қарияларга Чирчиқ шаҳар ИИБ раҳбарияти томонидан катта ғамхўрлик кўрсатиляпти. Уларга моддий ёрдам бериляпти. Ички ишлар фахрийси В. Унищенко шулар тўғрисида сўзлади.

— Вилоят ИИБ фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг фаолияти кўп жиҳатдан намуна қилиб кўрсатишга арзийди, — деди Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов. — Айниқса, фахрийларга кўрсатилаётган беминнат ёрдам, мураббийлик ҳаракати, маслаҳат кенгаши-

нинг жойлардаги хайрли ишларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Шу боис ҳам бу марказ ишини республика миқёсида намуна қилиб кўрсатиш ниятида-миз.

Йиғилишда туман, шаҳарлар ИИБ бошлиқларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари, фахрийлар кенгашлари раислари, фаоллар иштирок этдилар. Иштирокчилар ўтган йил давомида қилинган ишларга яқун ясаб, келгуси режаларни белгилаб олишди.

Йиғилишда вилоят ИИБ бошлиғининг муовини, милиция подполковниги Ф. Тангибоев сўзга чиқди.

Кексалар учун дастурхон ёзилиб, вилоят ИИБ қошидаги “Гўзал Турон” дастаси аъзолари томонидан концерт намойиш этилди.

С. ШАМСИДИНОВ.

Ражаб ака Алиқулов Қашқадарё вилояти ИИБ биринчи нозират постининг бош навбатчиси. Бу жонқуяр инсоннинг талабчанлиги, кези келганда қаттиққўллиги фуқароларни, ички ишлар хо-

Сизда ором қайда, сизда тинч қайда?

Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда?

Посбон биродарлар, фидойи жонсиз.

Эл меҳри асрасин сизни ҳар жойда!

Ҳар гал ушбу мисраларни ўқиганимда беихтиёр кўз ўнгимда Ражаб ака гавдаланади. Шоир мазкур битикни худди шу инсонга атаб ёзгандек.

ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ҚОЗОНЯПТИ

димларини сергакликка чорлаши сир эмас. Ҳозиржавоблик, қаққонлик, хизматдаги бой тажриба, ҳар ишни ўз ўрнида ва вақтида бажариш Р. Алиқуловга хос хислатлардир.

Милиция старшинаси Ражаб ака Алиқулов асли

Қамаши туманининг Лангар қишлоғидан. Сўлим тоғ бағридаги қишлоқда туғилиб ўсган бу инсон ёшлигидан жисмонан чиниққан, баркамол, жасур ва шижоатли.

1976 йилда вилоят ИИБ қўриқлаш бошқар-

масига қарашли Таллимаржон АМБда хизмат фаолиятини бошлаб, кўп йиллар бўлинма сардори лавозимида ишлади. Унинг шахсий намунаси, касб маҳорати эътиборга олинди, 1989 йилда мазкур постга ишга тайинланди. Шу кунга қадар



ИИБ раҳбариятининг ишончини оқлаб, ҳурмат-эҳтиром қозониб келаяпти.

Ажойиб инсон, тажрибали ходим Ражаб ака Алиқуловдек ходимлар вилоят ИИБнинг фахри, ғуруридир.

С. АМИНОВА.



Вилоят ИИБ тергов бошқармаси терговчиси, милиция капитани Баҳодир Мирзаевнинг хизмат хонасидаман. Эътиборимни унинг иш столи устидаги ойна тагида турган сурат ўзига тортди. Унда сочлари оппоқ, юзидан нур ёғилиб турган нуруний киши ўтмишдан нималарнидир сўзлаб бермоқчидай термулиб турарди.

ОТА ОРЗУСИ УШАЛДИ

— Бу раҳматли отамнинг сурати, — деди Б. Мирзаев. — Менинг шу касбга, шу вазифага етишимизга асосий сабабчи ҳам у киши эдилар.

Шундан сўнг суҳбатимиз ўз-ўзидан терговчининг таржимаи ҳолига боғланиб кетди.

— Ёшлигимда жуда сезгир ва топқир эканман. Шу сабабданми отам: “Шу ўғлим терговчи бўлади”, — деб кўп такрорлар эдилар. Эҳтимол у кишининг ана шу нияти амалга ошгандир.

...Ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаган Баҳодир олий даргоҳга ўқишга шошилмади. Жўжабирдай жон, ўн нафар фарзандни вояга етказётган ота-онаси — Имом ака ва Қирмиз опаларга далда бўлиб, ёрдам беришга аҳд қилди, шу билан бирга ҳарбий хизматга тайёргарлик кўрди.

1983 йилнинг эрта баҳорида Қалмиқ юртининг Элиста шаҳрига йигитлик бурчини ўташ учун йўл олди. Кўпгина

ўзбек йигитлари каби ўша даврнинг катта туҳфаси — қурилиш бўлинмасида хизмат қилишга ҳам насиб этди. Шунинг таъсирими, армиядан қайтгач, 1985 йили Термиз шаҳридаги қурилиш техникумига ҳужжат топширди. Илмгоҳни тамомлаган Баҳодирга 257-кўчма-қурилиш жамламасига муҳандис вазифасида ишлаш учун йўлланма берилди. Бу ерда меҳнат қилиш билан бирга отасининг орзуси — ички ишлар бўли-

мида жамоатчилик асосида эл тинчлигини сақлашга ўз ҳиссасини қўшиб юрди.

1989 йили Баҳодир Тошкент шаҳрига йўл олди. Бу ерга келиб олий милиция мактабига ўқишга кирди. 1993 йилга қадар ғайрат ва шижоат билан ўқиб-ўрганди, талабалик йилларида оила қуришга ҳам улгурди.

Шундан сўнг Термиз шаҳар ички ишлар бўлимида терговчи бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Бу вазифада олти йил ишлагандан сўнг, ИИБ ҚР ва ТҚКБга терговчи бўлиб ўтди. Ҳозирги кунда, у вилоят ИИБ тергов бошқармасида ишлаб келмоқда.

Ўз касбининг устаси бўлган бу йигитнинг фидойилиги туфайли вилоятда содир этилган қатор жиноятлар сифатли тергов қилинапти.

С. АБДУВОҲИДОВ.

Бизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Фирдавсий номли маҳалламит пойтахтнинг энг гавжум ҳудудларидан бирида жойлашган. Қарийб беш мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалла посбонларининг роли ошиб борапти.

ПОСБОНЛАР САРДОРИ



Мана уч йилдирки, посбонларга Турсунбой ака Ақромов сардорлик қиляптилар. Қирқ йил қурилишда ишлаб пенсияга чиққанларидан кейин жамоат ишларида фаол иштирок этишлари ҳисобга олиниб, посбонларга сардор этиб тайинланганлар.

Маҳалла посбони деганда биз профилактика инспекторининг энг яқин ёрдамчисини тушунамиз. Турсунбой ака ҳақиқий кўмакчимиз. Ишониб топширилган ҳар қандай юмушни масъулият билан ёндошиб бажарадилар. Энг муҳими, ёрдамчи посбонларнинг режа асосида ҳаракат қилишлари, берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришларини талаб қиладилар.

Турсунбой акани маҳалла аҳли ҳам жуда ҳурмат қилади. Сабаби у киши доимо фуқаролар орасида. Айрим муаммоларни Турсунбой ака жойида ҳал этаётганининг ўзи кишилар ишончига лойиқ эканликларининг исботидир. Тўй, юбилей ва бошқа тадбирлар тинч, осойишта ўтиши учун посбонлар сардори ўз ёрдамчилари билан хизматда бўлади. Фурқат Назиров, ака-ука Қурбонлар ва бошқа маҳалла посбонларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олишда кўрсатаётган фаолликлари, аввало сардор Турсунбой ака Ақромовнинг ташкилотчилик ишларини пухта олиб бораётганлигидандир.

Н. ШУКУРОВ,
милиция капитани.

Суратда: милиция катта лейтенанти А. Ҳақназаров маҳалла посбонлари сардори Турсунбой ака Ақромов билан суҳбатлашапти.

Ш. ЗУФАРОВ олган сурат.

АСКАР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

18 ёшга тўлган йигитларнинг аксари ҳарбий хизматни ўташ учун юртимизнинг турли вилоятларига жўнайди. Юртини асрашга қасамд қилган бу аскарлар бир-бир ярим йил давомида оиласидан, яқинларидан йироқда бўлишади. Улар мустақил яшашни, берган сўзларнинг устидан чиқишни ўрганишади. Ватан ҳимоячилари билан суҳбатлашганимда уларга ҳавасинг келади. Гапирган сўзларидан она диёримизни қанчалик севишларини ҳис қилиш мумкин. Лекин ҳақиқий аскар бўлиш осон эмас. Бунинг учун машқлар кетидан машқлар бажариш керак бўларкан. Сир сақлашни ҳам ўрганиш зарур экан.

Давлатимиз аскарларимизга катта эътибор бермоқда. Мактабимизни оталиққа олган ҳарбий жамоада бўлиб бунинг ўз кўзимиз билан кўрдик. Посбон акаларимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ётоқхоналари шинам, озода. Дам олишга, спорт билан шуғулланиб танларини чиниқтиришга барча имкониятлар муҳайё. Мард ва жасур йигитдан ҳақиқий аскар чиқиши мумкин деб ўйлайман. Аскар ҳақидаги фикрларимни Искандар Раҳмоннинг қуйидаги шеъри билан яқунламоқчиман.

*Ҳар баҳор, ҳар кузда кўча тўлдириб,
Кимнидир куйдириб, кимни кулдириб,
Аҳдида мустаҳкам, мардона туриб,
Йўл олар йигитлар жанговар сафга!
Оқ бўласин йўлингиз, асл йигитлар!
Соғ-омон қайтингиз, аҳил йигитлар!
Йигитлик гурурин байроқдек асранг,
Оталар ишончин, йўлини оқланг,
Ҳур Ватан тупроғин севиб, ардоқланг,
Қайтинглар шон-зафар кучиб йигитлар!*

С. НОСИРОВА,
8-синф ўқувчиси.

Ислохотлар амалда

Фориш туманида вилоятда биринчи бўлиб милиция таянч пунктлари тўлиқ битказилиб, фойдаланишга топширилган эди. Қизилқумнинг бир қисми ва асосан дашт яйловларидан ташкил топган тумanning етти жойида замонавий услубда қурилган, таъмирланган ҳамда жиҳозланган милиция таянч пунктлари ишлаб турибди.

ИШОНЧ МАСКАНЛАРИ

— Ички ишлар идораларида, хусусан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматида ўтказилган ислохотларни амалга ошириш жараёнида олиб борилган ишларнинг ижобий натижалари ўз мевасини бермоқда, — деди туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Муҳаммадjon Раҳимов. — Жойларда ишлаб турган милиция таянч пунктлари фуқароларнинг ҳақиқий ишонч масканига айланган. Илгари фуқаролар ўша жойнинг ўзида ҳал этиш мумкин бўлган масалалар юзасидан туман марказига келишга мажбур бўлардилар. Вилоят ҳудудининг

ярмидан кўпроғини ташкил этган, қишлоқлар тарқоқ жойлашган, транспорт қатнови кам бўлган туманимизда фуқароларнинг марказга етиб келишлари осон эмас. Айтайлик, оилада келишмовчилик чиқиб қолди, қишлоқ оқсоқолларининг панднасихати ўтмай, судлашишга жазм этган аёл туман марказига келмай, яраштирув комиссиясига арз қилади. Кувонарлиси шундаки, оилавий жанжаллар кам учраётди ва улар шу ерда ҳал этилмоқда. Паспорт олиш, алмаштириш ташвиши ҳам енгиллашди. Эндиликда паспорт тизими қондаси

бўйича уни алмаштириши шарт бўлган фуқаролар, профилактика инспекторларига мурожаат этишлари мумкин.

— Ислохотлар профилактика инспекторларининг фаолиятини яхшилаш, фуқаролар билан алоқани янада мустаҳкам-

за тушган. Шундан икки тасигина туман ИИБ бўлимига юборилган. Қолганлари фуқаролар иштирокида ўша жойнинг ўзида ижобий натижасини топган.

Туман марказида жойлашган милиция таянч пунктда профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Шавкат Аҳмедовни учратдик. Таянч пункти бир неча хоналардан иборат бўлиб, биттасида ўсмирлар шашка ўйнаётди, яна бирида икки киши Наврўз байрамини ўтказиш режасини белгилаётди. Яраштирув комиссиясининг йиғилишида эса қилинган ишлар муҳокама этиляпти.

Биз ислохот талаблари асосида қилинган ишларнинг бир қисмини ёритдик, холос. Барча саъй-ҳаракатлар туманда жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, энг муҳими, фуқароларнинг милиция ходимларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

С. ШАМСИДИНОВ.

ТУЗОҚДАГИ “ТАДБИРКОР”

... Алишер тадбиркорлик орқасидан яхшигина пул топаётган кишиларга ҳавас қилиб, савдо-сотиқ ишлари билан шугулланишга бел боғлади.

Аввал Ҳазорасп туманидаги “Қозоқ” бозорига бориб, у ердаги товарларни кўздан кечирди, нарх-навони суриштирди. Танишларини топиб, улардан маслаҳатлар олди. Тушдан сўнг Тўрткўлга — уйига қайтди. Эртасига бозорбоп, харидоргир моллар излаб, Тўрткўл шаҳрига келди. Тадбиркорлар билан суҳбатлашди. У шу тариқа Қорақалпоғистондаги кўпгина бозорларни айланиб чиқди. Аммо қанча ҳаракат қилмасин, иши ўнгидан келмади. Меҳнатсиз мўмай пул топишни орзу қилган бу йигит охири овчилар



учун ниҳоятда зарур бўлган порох топиб сотишга қарор қилди.

Шу йил 11 февралга ўтар кечаси тунги соат

сержанти Рашид Турдиевлар ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳужжатларини кўздан кечира бошлашди. Автомашинани атрофини тинмай айланаётган “Белка” лақабли хизмат ити “Тисо”да нимадир борлигини билдириб акиларди. Милиция хо-

2.00ларда у Муҳаммад Султоновга тегишли “Тисо” русумли автомашинада ноёб товар билан “Қозоқ” бозорига йўл олди. Тун ярмида келаётган автомашина Тўрткўл—Хонқа йўлининг Амударё кўпригидаги назорат маскани ходимлари томонидан тўхтатилди. Маскан ходимлари — милиция катта сержантлари Иқбол Болтаев, Эркин Болтаев ҳамда милиция

димлари автомашинани кўздан кечирганда Тамбов вилояти, Котовск шаҳридаги пластмасса заводида ишлаб чиқарилган “Сунар” русумли 15 қути, умумий вазни 3 кило 750 грамм порох борлиги аниқланди. Хуллас, ўтказилган “Арсенал” тадбири давомида тўрткўллик Қ. Алишернинг “тадбиркорлик” фаолиятига чек қўйилди.

Х. ЖАББОРОВ.

СУРАТЛАРДА: Хонқа тумани ИИБ ЖТСГ катта инспектори, милиция лейтенанти Фарҳод Алламов (ўртада) кўриқлаш бўлими милиционерлари — милиция сержанти Рашид Турдиев, милиция катта сержанти Иқбол Болтаевлар; кинолог, милиция катта сержанти Эркин Болтаев “Белка” хизмат ити билан автомашинани текширмоқда.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.

ИИБ Матбуот маркази хабар қилади

ҚАЛЛОБЛАРНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Республикамиз ҳудудида хорижий валютанинг ноқонуний айланишига барҳам бериш, қалбаки банкнотларни аниқлаш, айбдор шахсларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарликка тортиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кишиларни алдаш йўли билан бойлик орттирмоқчи бўлган кимсалар охири-оқибатда қўлга тушиб, шарманда бўлиши аниқ. Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари томонидан ҳам шаҳар ҳудудида валюта қийматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш билан шугулланаётган ҳамда сохта долларни муомалага киритишга уринаётган шахсларнинг кирдикорлари фош қилинаётди.

Яқинда ички ишлар ходимлари олиб борган тезкор тадбирлар натижасида Х. Шухрат исмли шахс Ҳамза туманидаги “Гўзал” ошхонаси ёнида 25 дона қалбаки 100 АҚШ долларини фуқаро Э. Жалилга 825 минг сўмга сотаётганида ашъвий далил билан қўлга олинди.

Дастлабки суриштирув жараёнида унда яна бир қанча қалбаки АҚШ доллари борлиги маълум бўлди. У бу қалбаки валюталарни ўз ихтиёри билан ички ишлар ходимларига топширди.

Шунингдек, Самарқанд вилояти ИИБ ходимлари ўтказган тезкор тадбир пайтида Қозоғистон республикаси Қарағанда шаҳрида яшовчи Ш. Магаметсоли ушланди. У юртимизга енгил-елпи пул топиш пайида келган экан. Магаметсоли сохта 30 минг АҚШ долларига турли хил қимматбаҳо тошлар ва “Nexia” русумли автомашина сотиб олаётган вақтида ҳибсга олинди.

Бировни алдаш, ўзгаларни қақшатиш эвазига даромад топишни кўзлаган бу шахслар қилмишларига яраша жавоб берадилар.

Ш. АНВАРОВ,
милиция лейтенанти.

Қилмиш — қидирмиш

ҚОЗОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...

Олтиариқ туманидаги Файрат қишлоғида яшовчи Маҳмудjon Исоқов сал бебошроқ чиқди. Ўн саккизга кириб, айна кучга тўлган, ўйнаб-қуладиган чоғида атрофига ўсмирларни йиғиб, Марғилон шаҳрида ўғрилиққа қўл урди. Туман суди Маҳмудjonнинг қилмишини уч йиллик қамоқ билан “баҳолади”-ю, йигитнинг ёшлиғи, қилмишидан пушаймонлиги, биринчи марта жиноят қилганини ҳисобга олиб, 2 йил шартли жазога ҳукм этди. Бироқ у ўзига билдирилган ишончни суниестемол қилиб, қинғир ишини давом эттирди: 2002 йилнинг февралда яна ўсмирларни ёнига олиб, Марғилон шаҳрига йўл олди. Шаҳар марказидаги “Ойгул” номли ошхона рўпарасида фуқаро М. Исмоиловга тегишли “ВАЗ — 2106” русумли автомашина турарди. Машинани кузатдилар. М. Исмоилов қўлидаги сумкани машинанинг орқа ўриндиғига қўйиб, қаёққадир кетди. Буни кузатиб турган М. Исоқов аста келиб, машинанинг орқа эшигини очди. Маҳмудjonнинг шериклари бўлган М. Маҳмудов, вояга етмаган А. Эргашев ва Ф. Шариповлар эса пойлоқчиликда турдилар.

М. Исоқов машинадан сумкани олиб, А. Эргашевга узатди. А. Эргашев ўз навбатида уни М. Маҳмудов ва Ф. Шариповга етказди. Улар сумкадаги 47300 сўм пулни дарров тақсимлаб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юбордилар.

М. Исмоилов лотерея савдоси билан шугулланар, ўғрилланган сумкада ўлжа бўлган пулдан ташқари салкам тўққиз юз минг сўмлик 3494 дона турли хил лотерея билетлари ҳам бор эди. М. Исоқов лотереяларни дуллаш мақсадида шериклари билан бирга Фарғона шаҳар бозорига йўл олишди.

Бироқ “учар”ларнинг омади келмади. Улар “жасур” раҳнамолари бошчилигида далилий ашълар билан қўлга олиндилар. М. Исоқов ва М. Маҳмудов яна ўз қилмишларидан пушаймон.

М. КИМСАНБОЕВ.

Эссе

Асли ҳеч замонлар дунёда бегона дард бўлмаган...

Шундай бўлса-да бу озорли дунёда ҳар одам — бир олам, синоат...

Кувончу шодлик элчиси-да, наслдошига жароҳат етказувчи-да мана шу қаршингиздаги, ён-атрофингиздаги одам. Жароҳатнинг эса катта-кичиги бўлмайди. У азоб, у беҳисоб оғриқ. Одамни нохушлик чулғайди. Тўғри, дунёда яхшилик ҳам кўп, лекин у қанча бисёр бўлмасин, барибир, одамзот охир-оқибат бир кун дард билан юзма-юз келади. Шунақа паст-баланд, ўнқир-чўнқир ҳаёт йўли. Бировнинг сабр косаси “кайттароқ”, ўз олдига қўйган мақсад сари интилиб яшайди, бошқа биров эса иродасизлик қилиб, умрини бой беради. Шундагина одам одамга ганимат эканига иймон келтиради. Афсуски, вақт ўтган кунларга айланиб кетган бўлади.

Ҳозирча ҳамма ўзи билан ўзи овора. Тирикчилик важдан бировнинг биров билан иши йўқ. Ҳамманинг ҳам зиддиятлардан нари юргиси бор.

Тартиб, қонун-қоида-нинг бажарилишини таъминлаш ички ишлар идоралари ходими зиммасига юклатилган экан, аввало, ўзи уни яхши билиши, унга амал қилиши, билимли бўлиши зарур.

Акс ҳолда кечагина сен билан ёнма-ён юрган бугун жисман ёнингда қолган, аслида эса олислаб кетган одамлар билан орада аллақандай кўринмас масофа пайдо бўлади. Аввалги мувозанат ҳам бузилгандек туюлаётгани, танбаллик, лоқайдлик бўй кўрсатаётгани огоҳликка чорламайдими?

Бир йўлакда яшаб ён қўшнисини танимайдиган, ким кириб ким чиқаётгани, маҳаллада пайдо бўлган бегоналар кўнгилларига қандай мақсадларни туғишгани “олисдаги

одамлар”нинг иши эмас! Куппа-кундуз кунни ўз уйида эшикни тўрт жойидан қулфлаб олишади. Уларнинг уйи — уларнинг кўргони. Бошқаларга нима

...Унинг бошидан ўтган кечинмаларга ҳеч ким дуч келмасин. Аввало, шунини айтиш керакки, ҳаммасига фақат ўзи айбдор. Шунақа, баъзи одамларнинг

“Одамлар сени билмаса ҳам, сен одамларни бил”.

Асқад МУХТОР.

ОЛИСДАГИ ОДАМЛАР

бўлса-бўлавермайдими, уларга нима?

Ҳамма хоҳлаганича, удалаганича яшайди. Ақидалари шу: томошабин бўлиб, бетараф, безарар яшаш.

Бири маҳалладош қўшни, бири касбдош бўлатуриб олислашиб кетган одамларнинг лоқайд томошабинлигида худбинлик, сотқинлик кўринмайдими? Огоҳликнинг, ҳамжихатликнинг, ҳаммиллатликнинг туғилиши шу қадар мураккаб жараёнми? Бир машҳур ёзувчи: “...Душманларингдан кўрқма, нари борса улар сени ўлдиришади. Дўстларингдан кўрқма, нари борса улар сени сотадилар. Лоқайдлардан кўрққин — улар на ўлдирадилар, на сотадилар, лекин уларнинг сўзсиз хайрихоҳлиги туфайли ер юзида қотиллик ва сотқинлик содир бўлади”, — деганда ўша жисман ёнимизда, лекин руҳан олисда бўлган одамларни назарда тутган.

Одам боласи ўзини суяб турган эътиқод тиргақларидан бир зумда бенасиб қолиши унчалик ҳайратланарли ҳолат эмас экан. Кечаги касбдошинг бугун олисдаги одам...

топган-тутганини атрофида пайдо бўлган янги “дўст”лари билан кайфу сафога, ичкиликка сарфлай бошлади. Унга хизмат қилувчиларнинг сони кўпайди. Айш-ишрат туфайли хизматда эканлигини рўқач қилиб кечалари, уйга қайтмайдиган одат чиқарди...


Гулдек оиласи бор эди. Икки қиз, бир ўғил, рафиқаси... Улардан ҳам олислаб кетиб, оилани барбод этди.

“Дўст”лар эса кўнглини кўтаришар, олқишлар, шаънига зўр маддоҳлик қилишни ўринлатишарди. Шу зайлда у сезмаган

ган айиқполвоннинг дўстига раҳми келибди, пашшани ўлдирмоқчи бўлибди. Шу мақсадда қўлига катта болтани олибди-ю биродарининг пешонасига қўниб турган пашшани мўлжаллаб солибди. Хира пашша учиб кетибди, одамнинг калласи қоқ ёрилиб, шу заҳоти жон таслим қилибди.

Алқисса, ким билан дўст бўлишни ҳам билиш керак.

Ниҳоят, бир кун у қарахликда эканини сезгандек бўлди. Кўз олди қоронғулашиб кетди. Ўзини қўярга жой тополмади. Юм-юм йиғлади, ҳа, ел-



иши юришиб, изъат топгандек бўлса, ўзини йўқотиб қўяр экан.

У аввалига ички ишлар идоралари сафида халқ учун хизмат қилиб, ўз бурчини, масъулиятини яхши ҳис қилар эди. Вақт ўтиши билан хизматни муқаммал эгаллагач, ҳар хил таниш-билишлар кўпайди, йўқовчилар сони ортди. Қарасаки, кам-кўсти битиб, ямоқ-яскоқдан қутилди.

Энди у хизматда ўзини доим билагон кўрсатишга уринар, гапни айлантриб бошқа кўчага бурарди. Юзага келган тўсиқларни айланиб ўтиб, қонунларни рўқач қилиб бошқаларнинг оғзига урарди.

Ким эканлигини хотирдан фаромуш қилиб,

ҳолда юқори нуқтада ажиб-сирли жимирлаётган омад юлдузини “дўст”лари нарвонсиз сўндиришаётганини пайқамасди.

Уларнинг дўстлиги одам билан айиқнинг дўстлигини эслатади. Кунлардан бир кун одам билан айиқполвон дўст тутинишибди. Улар чунонам биродар бўлиб кетишибдики, бири учун иккинчиси жонини фидо этишга ҳам рози экан. Бир кунни айиқ қараса, жон дўсти инсон соя-салқин жойда маза қилиб уйқуни уряпти. Шу топда аллақадан бир хира пашша келиб, одамнинг дам пешонасига, дам лабига, дам бурнига қўнавериб, безовта қилибди. Буни кузатиб тур-

калари титраб-титраб йиғлади.

Афсус, вақтида қандай одамга айланаётганини, яқинларидан олислаб кетаётганлигини англамади.

Йиллар шаррос ўқийдиган китобхондек умримиз саҳифаларини тез-тез битиради. Не-не саҳифалар хазонлардек учди.


Ҳозир у ҳаётини, дастлаб обрў топган ишини бошидан бошлашга ҳаракат қилмоқчи. Кўз ёшлари томган, ўкинч ва тавбатазаррули хатлар битиб хизматига қайтиш илнжида...

Олисдаги одамлар майлику-я, бошқалар уни тушунишармикан?!

М. ХАЛИЛОВ.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Урганч шаҳар ИИБ томонидан бедарак йўқолган қуйидаги фуқаролар қидирилмоқда.



Очибек Юлдошевич САТТОРОВ. 1982 йилда туғилган. Урганч шаҳар Бўстон кўчаси 16-уй, 12-хонадонда яшаган. 1999 йил 27 март кунини уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170 см, сочи сарғиш, кўзлари кўк.

Алоҳида белгилари: руҳий касал, гапира олмайди.

Кийимлари: эгнида кўк костюм, спорт шими, оёғида қора шиппак бўлган.



Кувондик ПИРМЕТОВ. 1969 йилда туғилган. Урганч шаҳар Гурлан кўчаси 33-уй, 17-хонадонда яшаган. 1999 йил 27 июль кунини уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи, қош-кўзи қора, ўртача гавдали.

Кийимлари: эгнида кўк кўйлак, қора шим, оёғида оқ туфли бўлган.



Станислав ТИГАЙ. 1950 йилда туғилган. Урганч шаҳар Ал-Беруний кўчаси 13-“а” уй, 20-хонадонда яшаган. 2000 йил 7 март кунини уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи қора, пешонасига тушган, кўзи қора, қисик, оғзи катта.

Кийимлари: эгнида қора чарм камзул, кўк футболка, спорт шими, оёғида қора ботинка бўлган.



Фотима Гелмулдиновна НАЗАРОВА. 1939 йилда туғилган. Урганч шаҳар Гурлан кўчаси 69-уй, 10-хонадонда яшаган. 1996 йил март ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: 155-160 см, сочи сарғиш, кўзи кўк, қоши қора.

Кийимлари: эгнида кўк кўйлак, қора жемпер, оёғида сариқ пайпоқ ва шиппак бўлган.

Юқорида номлари қанд этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалиги биланлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўранмиз.

Т. ҚУРБОНОВ, филология фанлари номзоди.

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Яқинда “Минхож” нашриётида чоп этилган “Қалб фарёди” китоби ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Автобиографик характердаги мазкур китобда тақдир ихтиёрига ташлаб қўйилган Зухра ва унинг икки гўдак синглиси бошидан кечирган машаққатли ҳаёт реалистик бўёқларда кўрсатиб берилган.

бўлган гўдақларини меҳрибонлик уйига кузатиб ҳам қўймайди. Хотинининг гапига кириб, уларнинг дам олиш кунлари ўз уйларига келишига руҳсат бермагани етмагандек, қизалоқлар ҳолидан хабар олишни ҳам ўзига эп кўрмайди.

Шафқатсиз ҳаёт дош-қозонига ташланган уч гўдак меҳрибонлик уйдан кўним топади. Ота-онаси

раво кўрмаган меҳрни тарбиячилар беришади.

Зухра қийинчиликларга басма-бас яшашга, ўзини ҳам, иккала синглисини ҳам ночорлик ботқоқидан олиб чиқишга, уларни олижаноб инсонлар қилиб тарбиялашга ҳар кунни ўз-ўзига сўз берарди. У қатъиятли, мустаҳкам иродали ва бир сўзли қиз эди. Шу сабабли ҳам мақсадига етиш учун кўп ўқиди, тин-


май изланди. Бир вақтнинг ўзида бир неча жойда ишлаш билан бирга кечки мактабни муддатидан олдин аъло баҳоларга битирди. Кейин сиртдан ўқиб малакали педагог бўлиб етишди. Тошкент Олий милиция мактабини ҳамда ИИБ Академиясини муваффақиятли тугатди.

“Қалб фарёди” китобининг бош қаҳрамони — Зухрагон муаллифининг, яъни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, милиция полковниги, юридик фанлари номзоди, доцент Сорахон Аҳмедованинг айнан ўзидир.

Китоб жавонингизга

Меҳрибонлик уйидаги гўдак бошидан кечирганларни китоб қилиб ёзишни дилига туккан Сорахон бугунги кунда ўнлаб илмий мақолалар, бир неча ўқув қўлланмалари, “Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти” ва “Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш асослари” каби салмоқли дареликларнинг муаллифидир.

Ҳаёт машаққатларини мардонавор енгиб ўтган матонатли аёлни ажойиб китоби ҳамда баҳорий байрам билан муборакбод этамиз.



Ўғай она ва унинг макрига учган худбин ота бенажот қизалоқларни бағрига босиб эркалатиш у ёқда турсин, ҳатто ўзлари яшаётган уй остонасини ҳатлашга ҳам изм беришмайди. Толибжон иккинчи хотинининг измига шунчалар тушиб қоладики, ўз пуштикамаридан

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Миллий давлатчиликни шакллантириш, демократик ислохотларни амалга ошириш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Ўтиш даврида ижтимоий муаммолар ва зиддиятларнинг кескинлашуви миллий хавфсизликка, фуқароларнинг тинчлигига ва мамлакат барқарорлигига таҳдид солувчи омилга айланиши мумкин. Мана шулардан келиб чиққан ҳолда Президентимиз И. А. Каримов мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг 5 тамойилини ишлаб чиққанида аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласига алоҳида эътибор берган эдилар.

Гуруҳ раҳбари бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояси борасида мамлакатда амалга оширилаётган ишлар ҳақида тингловчиларга батафсил маълумот беради.

Мавзуни давом эттирган ҳолда у Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинларида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳам давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинаётганини таъкидлаб ўтиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ички хизмат Низомининг 10-бандида: "Давлат ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини кафолатлайди, уларга етарли ва муносиб турмуш даражасини яратиш, хизмат ва маший шароитини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади", деб кўрсатилган. Ҳар бир

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий хизматга, тайёргарликка жалб этилган даврдан бошлаб маълум имтиёзларга ва ижтимоий ҳимояга эга бўлади. "Ўзбекистон Республикасининг умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунининг 13-моддасида кўрсатилганидек, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ҳунар-техника таълимининг ўқув ташкилотларида, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" жамиятининг ўқув даргоҳларида ҳарбий техника ихтисосликлари бўйича тайёргарлик кўришга жалб этилган фуқароларнинг иш ўрни ва эгаларан лавоғими уларнинг юқоридаги вазифаларни бажаришларининг бутун даврида, шу жумладан ўқиш (йигин) ўтказиладиган жойларга бориш ва орқага қайтиш даврида сақлаб қолинади. Чақирилувчилар таълим олиши даврида ижарага олган уй-жойларга қилган харажатлари, ўқиш жойига бориш ва у ердан қайтишнинг (башарти, бошқа аҳоли пунктига бориш билан боғлиқ бўлган бўлса) йўлқира қиймати, шунингдек ўртача ойлик иш ҳақи асосий иш жойида тўланади. Ишламайдиغان чақирилувчиларнинг ана шундай харажатлари, шунингдек кун кечиришнинг белгиланган энг кам миқдоридан нафақа ҳоқимиятлар томонидан тўланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Ватан ҳимояси ўзгача мазмун ва моҳиятга эга бўлди, у ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг конституцион бурчи ва шарафли ишига айланди. Республика Ҳукумати ёшлардаги ҳарбий хизматга интилишни кучайтириш ва муддатли ҳарбий хизматчиларни янада рағбатлантириш мақсадида уларга ва оила аъзоларига қатор имтиёзлар берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги Қарори билан муддатли ҳарбий хизматчиларнинг бир ойлик ҳарбий хизматлари икки ойлик меҳнат стажига тенглаштирилди. Бу муддатли ҳарбий хизматдаги аскар ва сержантларнинг бир ярим йиллик ҳарбий хизмати уч йиллик меҳнат стажига тенглаштирилади деганидир.

Мазкур қарор бўйича муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат-муддати тугагач, олий ўқув ва ўрта махсус билим юртлирига ҳарбий жамоадан тавсифнома берилганда кириш имтиҳонларида тўпланган умумий тест балларига 10 фоиз қўшиб берилиши кўзда тутилди.

Қарорда муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига ҳам имтиёзлар берилди. Фарзандларининг муддатли ҳарбий хизматлари даврида оила аъзолари ер солигидан озод этиладилар. Шунингдек қайд этиш лозимки, аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайдиган ва шахсий томорқа ҳўжалигига эга бўлган шароитда бу ҳарбий хизматчилар оилалари учун сезиларли энгиллик тугдириши табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 ноябрдаги Фармоишига асосан муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан жўнатилаётган ёки уларга юборилаётган 20 граммгача бўлган почта жўнатмалари, конвертларни почта орқали бепул юбориш белгиланган.

Давлат томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг соғлиқларини сақлаш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг даволанганда, озиқ-овқат таъминоти амалдаги норма асосида ҳарбий хизматчилар озиқ-овқат таъминоти аттестати асосида амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчи фуқаро касалхоналарида даволанганда, озиқ-овқат таъминоти амалдаги норма асосида ҳарбий хизматчилар озиқ-овқат таъминоти аттестати асосида амалга оширилади.

Барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар хизматлари давомида давлат томонидан суғурта қилинадилар. Ҳарбий хизматчи хизмат билан боғлиқ ҳолда тан жароҳати олиб 1-гурӯҳ ногирони бўлиб қолган тақдирда, 1 йил давомида республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 75 %, 2-гурӯҳ ногирони бўлиб қолса 50 %, 3-гурӯҳ ногиронлигини орттирса 30 % миқдорда товон пули тўланади. Хизмат вазифасини бажараётганда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 7 йиллик миқдори ҳисобидан товон пули тўланади.

Ҳарбий хизматчи хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган тақдирда, ойлик пул таъминотининг 50 бараваргача миқдоридан товон пули тўланади.

Оғир тан жароҳати олданда (яраланганда, контузия олданда, жароҳат ёки шикастланишда) бир мартабалик нафақа:

а) оғир тан жароҳати олданда - 25 ойлик пул таъминоти миқдоригача;

б) унча оғир бўлмаган тан жароҳати олданда 10 ойлик пул таъминоти миқдоригача

Ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш

масалалари ҳам доимо давлатимиз назорати остида турибди. Ички қўшинлар ҳар бир офицери, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилари хизмат жойида уй-жой билан таъминланади ёки ижарага уй олганлиги учун пул тўланади. Бу пул миқдори Тошкент шаҳрида бир ойга энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари миқдоридан, бошқа аҳоли манзилгоҳларида энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдоридан қилиб белгиланган.

Қонунларимизда ҳарбий хизматчиларга хизмат вазифалари билан боғлиқ вазифаларни бажарганликлари учун ҳам меҳнат стажларига қараб қўшимча ҳақ тўлаш тартиби ўрнатилган.

2 йилдан 5 йилгача узлуksиз хизмат қилганларга ойлик иш ҳақларига 5%, 5 йилдан 10 йилгача хизмат стажига эга бўлганларга 10%, 10 йилдан 15 йилгача стажга эга бўлганларга 15% миқдоридан қўшимча ҳақ тўланади.

Гуруҳ раҳбари ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар бундан кейин ҳам давом этиши, мамлакат иқтисодиёти кучайиши ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоясини янада яхшилашга олиб келишини таъкидлаши лозим.

Гуруҳ раҳбарига машгулот давомида юқорида фойдаланилган Қарор ва буйруқлар кўргазмасини ташкил этиши, уларнинг тўла матнини ҳарбий хизматчиларга етказиши тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлар Бosh бoshқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.

Манзилимиз: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib **B. AZIMOV**
Navbatchi: **B. TOSHEV**
Musahhihlar: **M. AKRAMOVA** **G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi va dizayner: **A. MIRZAMUHAMEDOV**

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69, Mas'ul kotib 139-73-88, muxbirlar bo'limi 139-75-69, Buxgalter 139-75-37, Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91, Tel.: 59-23-08

E-mail: **urmvd@globalnet.uz**

Bizning hisob raqamlarimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21596000200447980001, MFO 00014.

ABN AMRO Bank MB O'zbekiston A.J. 20210000300447980002 MFO 00831, i/r 5033853 INN 200637499

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart

• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma G — 262. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00. Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiraji 47.800 nusxa.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

ГИЛАМДА — ЎСМИРЛАР

Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган спортнинг таэквондо тури бўйича ИТФ йўналишида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида Тошкент вилоятидан ҳам вакиллар иштирок этишди. "Гийҳвандлик ва терроризмга қарши кураш" шиори остида ташкил этилган беллашувларда 9 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар гиламга тушишди. Вилоят спортчилари фахрли ўринларни қўлга киритишди. Сардор Расулов ва Ботир Абдурахмоновлар 2-ўринни, Саъдулла Соипов, Рустам Аъзамов, Дилшод Турдиевлар эса 3-ўринни эгалладилар.

Н. АЛИМОВ, милиция майори.

Суратларда: Тошкент вилояти вакиллари.

Муаллиф олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби милиция полковниги В. Н. Кашубинга онаси **Мария Петровна КАШУБИНА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Алоқа бўлими раҳбарияти ва шахсий таркиби алоқа воситаларини таъмирлаш устанонасида узоқ йиллар меҳнат қилган **Игорь Владимирович СОШНЕВСКИЙ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндошлари ва яқинлари га чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ йҲХБ бўлими сардори, милиция майори Б. Ортиққўжаевга волидайи муҳтарамаси **МАКСУДА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

ЯНГИ СПОРТ МАВСУМИ

Наврўз арафасида Тошкент шаҳар ИИББ жанговар ва жисмоний тайёргарлик марказида янги — 2002 йилги спорт мавсумининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу куни залга тўпланган кўплаб жисмоний тарбия жамоаларининг вакиллари ўтган йилги мавсум натижалари ва ўрнатилган кўрсаткичлари ва ўрнатилган кўрсаткичлари спортчилар, устозларни тақдирлашнинг гувоҳи бўлдилар. Дастлаб "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг 2001 йилдаги фаолияти ҳақида жамият республика кенгаши раисининг муовини, милиция полковниги М. Жарилкаганов қисқача ахборот берди. Шундан сўнг республика Давлат спорт кўмитаси раисининг муовини А. Очилов, республика ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Юнусхўжаевлар сўзга чиқиб, динамичиларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида гапириб, навбатдаги беллашувларда омад тиладилар.

Шундан сўнг ўтган йилги мавсумда муваффақиятга эришган жамоалар тақдирланди. Тошкент шаҳар динамичилари жисмоний тарбия жамоалари ўртасида ўтказилган ўзиничи аънавий спартакиа-

да якунлари бўйича муваффақият қозongan республика ИИБ Академияси жамоасига кўча кубок топширилди. Жамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритган республика МХХ ва Тошкент шаҳар ИИББ спортчилари ҳам мукофотландилар.

Тантананда ўрнатилган кўрсаткичлар ҳам рағбатлантирилди. Тақдирлаш маросимидан кейин Ўзбекистон Давлат Маҳкамаси янграб, бу йилги мусобақалар байроғи кўтарилди. Динамолик жисмоний тарбия жамоалари XI спартакиадаси дастуридан ўрин олган спортнинг волейбол тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Шу тариқа янги спорт мавсуми бошланди.

Ўз муҳбиримиз.

Газетамизнинг ўтган совида футбол бўйича "Ватан ўғлонлари" аънавий турнирининг бошланганлиги ҳамда дастлабки учрашувлар натижалари ҳақида хабар берган эдик.

Ортада қолган ҳафта давомида гуруҳларда навбатдаги ўйинлар бўлиб ўтиб, ярим финалга йўлланма олган жамоалар аниқланди.

Куйида учрашувлар натижалари билан батафсилроқ танишасиз. Шундай қилиб "А" гуруҳида: ИИБ — Давлат божхона кўмитаси — 4:0; Прокуратура — МХХ — 1:0; МХХ — ИИБ — 0:6; Давлат божхона кўмитаси — Прокуратура — 0:0.

"Б" гуруҳида: Мудофаа вазирлиги — Давлат солиқ кўмитаси — 1:1;

ФИНАЛДА БЕЛЛАШИШАДИ

ФВВ — Давлат чегараларини кўриқлаш бўйича кўмита — 0:6; Давлат чегараларини кўриқлаш бўйича кўмита — Мудофаа вазирлиги — 0:1; Давлат солиқ кўмитаси — ФВВ — 1:0.

ИИБ жамоаси саралаш босқичи ўйинларини мағлубиятларсиз ўтказди. У рақиблар дарбозасига 12 тўп киритиб, ўз дарбозасидан атиги бир тўп ўтказиб юборди. Ярним финал баҳсларига яна Давлат солиқ кўмитаси, Прокуратура ва Мудофаа вазирлиги жамоалари ҳам йўлланма олишди.

Ярним финал учрашувлари эса куйидагича тарзда якунланди. ИИБ жамоаси ўзининг кўтаринки, ҳужумкор ўйин усулига со-

лиқ қилиб, Давлат солиқ кўмитаси футболчилари устидан йирик 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ярним финал босқичининг иккинчи учрашуви эса жуда кескин, муросасиз ўтди. Прокуратура ва Мудофаа вазирлиги жамоалари асосий вақтни 1:1 дуранг натижа билан якунлашди. Турнир шартига қўра белгиланган ўн бир метрлик жарима тўпларининг баҳсга ойдинлик киритди. Мудофаа вазирлиги вакиллари 4:3 ҳисобида ғалабага эришишди.

Бугун — Наврўз айёми куни "Жар" ССМ ўйингоҳида финал учрашуви бўлиб ўтади. Унда ИИБ ва Мудофаа вазирлиги жамоалари куч сынашишади. Ўз муҳбиримиз.